

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ ИСТИҚЛОЛ ҚУЙИШИ!

Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги байрами тантана қилинадиган кунга қўнғулари қўнғулари бўлиб келган. Истиқлол берган озодлик ва хурликдан баҳра олаётган мамлакатимиз аҳолиси ана шу улғун айёмни муносиб кўриб олиш ниятида ҳар жабҳада самарадорликка эришишга, ҳар қим байрамга ўз тухфасини тортиқ этишга интилади.

Байрам тантаналари нишонланадиган бош майдонда эса тайёргарлик ишлари низоида қизгин паллага кирган. Албатта, энг эзгу ниятларимизни амалга оширган Мустақиллигимиз тантаналарини ўзига хос руҳда ўтказишда ва халқимизга кўтаринки кайфият бағишлашда санъат аҳлининг жуда катта ҳиссаси бўлади. Мамлакатимиз бош майдон ҳамда туманлардаги майдон ва хибонларда ўтайдиган тантана томошалари ҳақида Мустақиллик байрами шодиёналари бадий раҳбари ва бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Рустам ХАМИДОВ билан суҳбатлашдик.

Хаваскорлик жамоалари фаол иштирок этадилар. Шунингдек, олий ўқув юртинининг талабалари, лицей ҳамда коллежларнинг ўқувчилари ҳам байрамда қатнашадилар. Республикаимиз вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистондан келган янг йаши созанда, хонанда ва раққослар ўзларининг она Ватан, истиқлол тўғрисидаги янги чиқишлари билан томошага ўзгача фойз бағишлайди. Бу чиқишларда ҳар бир вилоятдаги урф-одатлар, гўзал аъналар акс этиши, шубҳасиз. Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги бадий жамоалари ҳам тантанада иштирок этадилар. Мамлакатимизда анъанага айланиб бораётган турли санъат танловларининг голиб ва иштирокчилари ҳам томоша аҳлини хушнуд этиш ниятида. Айниқса, ўзбек эстрадасининг юлдузларига, янги ёш истеъдод соҳибларига кенг ўрин берилади. Санъат бу ёшлиқдир. Ана шу бахтиёр ёшликни халққа, жаҳонга танитиш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш асосий мақсадимиздир.

— 1 сентябрь кuni давом этадиган тантаналар хусусида нима дейсиз?

— 1 сентябрь кuni асосий байрам тадбирлари шахримиздаги 15 та майдонда, боғ ва хибонларда давом этади. Санъаткор ва хаваскорларимиз барча майдонларда театрлаштирилган томошалар намойиш этишади, сайилга чиққан ҳамшахарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари қалбига ўз санъатлари билан олам-олам байрам шукӯҳини солади. Ҳақиқий шодиёна, Мустақиллик берган эркинлик ва озодлик мадҳ этилади ва халқимиз фахрлангулик она Ватанда яшаётганимизда шукӯҳналар айтилади.

— Бугун тайёргарлик авж пардасида десак янглишмаймиз. Томошаларни халққа манзур қилиб тайёрлашда кимлар жонбозлик кўрсатмоқда?

— Кутлуг байрам томошаларини тайёрлашда 100 дан ортқ кўзга қўрилган расом, режиссёр, балетмейстер, бастакор, шоир ҳамда композиторлар астойдил тер тўкмоқда. Янги асарлар асосидаги дастур шаклланмоқда. Байрам сценарийини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзган. Томошаларни тайёрлашда эса таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев, Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Раҳимов, балетмейстерлар — Ўзбекистон халқ артистлари Вилоят Оқилова, Қодир Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исмоматова, бастакорлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мустафо Баёров, байрам мусиқа раҳбари, бастакор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрилла Лутфуллаев ва бошқалар фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Эрта, санъатнинг ўзи бир фидойилиқдир.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, байрам томошаларимиз жаҳоннинг 50 дан ортқ мамлакатига тўғридан тўғри узатилади. Албатта, чиройини албатта, санъат очади. Шу боис ҳам Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги шундай ўтинки, Истиқлол тўғрисида фахрга тўлган қалбимизга яна минг ифтихорлар қўшилсин. Байрамлар боис санъатимиз ҳам юксак поғоналарга кўтарилмаверсин.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.

ТАРАДДУД ЭРКИНЛИК ВА ОЗОДЛИК МАДҲИ

— Юртимизда тадбирлар ва байрамларнинг бир-бирига уланиб кетаётгани, албатта, санъат аҳли дилига ҳам илҳом бахш этиб, уларни ишлашга, интилишга, изланишга, янгиликлар яратишга ундамоқда. Шу боис ҳам бу йилги Мустақиллик байрами ўзига хос кўринишларда, янги услубларда бўлиб ўтиши режалаштирилган. Бундан шунинг англаш мумкинки, сценарий ҳам, унинг ижроси ҳам сахна безаклари, рақслар, кийимлар ҳам бетакрор бўлади.

Энг асосий гоё эса мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлларни, қадим-бақадим кўлга киритилган ютуқларни, улкан бунёдкорлик ишларининг аҳамиятини бадий кўринишларда юксак маҳорат билан халқимиз онига етказишдир.

— Бу йилги томошаларда яна нималарга кўпроқ эътибор қаратилади?

— Утган бир йил ичида озмунча ўзгаришлар бўлдимми? Биргина юртдошларимиз дилига катта қувонч бахш этган, қалбларни тўлқинландирадиган Хотира майдонининг бунёд этилишининг ўзи бир достон. Айниқса, ўтаётган йилнинг муҳтарама аёлларимизга бағишланган қайси бир қалбни нурафшон этилмайди дейсиз. Буларнинг барчаси томошаларимизда ўз аксини топади. Оилаларимизни, жамиятимизни мунавар айланган ва айлаётган она, аёл сиймоси улуғланади. Она-Ватанимиздаги кўз олдимизда бўлаётган, гуруралинига арзийдиган ишларимиз декорациялар орқали намойиш бўлади.

— Байрам томошаларида иштирок этувчи санъат аҳли ва бадий хаваскорлар хусусида ҳам гапирсангиз?

— 31 август кuni бош майдонда бўлиб ўтайдиган томошаларда кўп қисми санъат аҳли хизматга бел боғлаган. Албатта «Ўзбекракс», «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр» ижодий жамоалари билан бир қаторда шахримиздаги барча бадий

Ўзбек халқи маънавияти юксак халқ. Зеро, буюк бобоқалонларимиз жаҳон маънавияти ҳазинасида, илм-фан тараққотига қўнган улкан ҳисса дунё миқёсида эътироф этилган. Биз улар билан ҳар қачна фахрлансак арзийди. Айни пайтда ана шу улғун халқнинг бугунги авлодлари сифатида шу бойлигимизни асраб-авайлаб, замонавий илгор тафаккур билан янада бойитиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шунинг учун ҳам Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда чуқур ислохотларни амалга ошира бориб билан бирга маънавият, таълим-тарбия масалаларига жиддий эътибор бериб келинапти.

Миллий кадриятларимизнинг тикланиши, тилимизнинг давлат моқомига эга бўлиши, тарихимиз, дин-диёнатимизни халқимизга қайтаришда ўрнашган адолат, «Соғлом авлод учун» дастури асосида олиб борилаётган ишлар ана шу эътибор натижаларидир. Албатта, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққотига эришиб борар экан,

вонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки, бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик... **Бизнинг пировард мақсадимиз — инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.** Маълумки, бутун тараққий


Мустақиллик ва дунёқараш

МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

у билан боғлиқ ҳолда одамларимиз тафаккури, дунёқараши ҳам ўзгариб бораверади. **«Бугунги ҳаётимизнинг кеңаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, — деган эдилар Юртбошимиз «Туркистон» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида, — бу аввало, одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроғи, юксалиб, бораётгани билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этмайди.»** Ҳаётнинг ўзи ҳам бунинг тасдиқламоқда. Шу муносабат билан Президентимизнинг куйидаги гапларини эслаш ўринли: **«...биз кишилар дунёқарашини бошқариш фарқидан йироқимиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириб тараққотиримиз.»** Президентимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берган жавобларида ана шу фикрга баътафсилроқ тўхталиб, уни янада ривожлантирганларини кураамиз. Шўро ҳукмати узининг сохта гоғларини миллионларонгизга синдириб келган бу эса халқимизнинг асл маффаатларини ифодалайдиган, уни чинакам бахт-саодат йўлига етказиладиган ҳақоний миллий гоғимизнинг одамлар қалбига етказиш олаётганимиз сабабларини юртбошимиз шундай изоҳлайдилар: **«Менимча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик жамият кураб эканмиз, мафкуравий зура-**

лаган бой билимлар ҳазинасидан, халқимизнинг маънавий меросидан тўла баҳраманд бўлиб тарбияланишига эришишимиз керак. Бундай зарурат бир томондан шахсан Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қонуний кучга кирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга оширишнинг тақозоси эҳти, иккинчи томондан омма орасида кенг тарғибот-ташвиқот, маърифий

Шарофат БАХРОМОВА.



Коллеж курилишида

ЎЗ ВАҚТИДА БИТКАЗИЛАДИ

Пойтахтимизнинг Маннон Ҳўгур кўчаси тобора чиroy очиб, у ерда замонавий кўркам бинолар куриб фойдаланишга топширилмоқда. Республикаимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида ушбу кўчада яна бир 4 қаватли мухташам бино куриб битказилади.

1 сентябрда 600 ўқувчини ўзининг шинам ва барча қўлайликларга эга бўлган хоналарида кўтиб олувчи бино — курилиш коммунал коллежидир. Уни бунёд этиш бош пудратчи «159-трест» хиссадорлик жамияти курувчилари зиммасига юкланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, янги коллежда ўқувчилар учун барча қўлайликлар маъмурий бўлади. «Ташгирогор» лойиҳачилари бу борада ўз изланишларини олиб борганлар.

Хозирда бинодо курилиш-тиклаш ишлари баробаринда пардозлаш юмушлари ҳам кўнглидаги дек бормоқда. Бу ишда «Пардозкурилуштрести» хиссадорлик жамиятининг 31-курулиш бошқармаси ички-хизматчилари алоҳида гайрат кўрсатишмоқда. — Албатта, бундай тез ва сифатли куриб битказилиши лозим бўлган объектларда биринчи бор ишлаётганимиз йўқ, — дейди иш боши Н. Бегимқуллов. — Шунинг учун ҳам вазифамизни аниқ белгилаб олганмиз. Биз пардоз ишларини бажаряётган бино шуниси билан аҳамиятлики, ўқув хоналари ва алоҳида кабинетлар поли паркет билан қўпланмоқда, фойе ҳамда зиналар мрамор билан безалмоқда. Эшик ва дераза ромлари Сергеллидаги қўша қорхона махсулоти бўлиб, бинонинг ташқи курилишига кўр бағишлайди. Ана шундай пардоз ишларини бажаришда курувчиларимиз касб маҳоратларини кўрсатишмоқда. Чунки бу ерда ўзининг фарзандларимиз, юртимиз келажакнинг эгалари ўқиниши ҳис этиб турибмиз.

мида эса турли шеърлар ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бу ерда ўқувчиларга олган билимларини амалиётда синиб кўриш имкониятини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, дам олиш, ювениш хоналари ҳам улар хизматида бўлади.

— Ҳаммаси кўнглидагидек бўлади ва фарзандларимиз шу йилнинг 1 сентябрида, албатта янги коллеж биносида таълим олишни бошлайдилар, — дейди «159-трест» хиссадорлик жамияти раиси Ринат Сафариев. — Бунинг учун бунёдкорларимиз боғ куч ва гайратларини ишга солишмоқда.

Диноза ФИЁСОВА.
СУРАТЛАРДА: коллеж курилишида фаол иштирок этаётган 21-курулиш бошқармаси муҳандиси Бахтиёр Эгамберганов (ўртада) бригада сардори Фодир Исмоилов ва сувоқчи Нуриддин Зивутдиновлар билан, 53-курулиш бошқармасининг пардозловчилари Шўхрат Тўхтабоев ва Акмал Қўчқоровлар; коллежнинг умумий кўриниши.

Рустам Шарипов олган суратлар.



ИЖРОЧИЛИК ИНТИЗОМИ МУСТАҚАМЛАНСИН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз томонидан кўтарилган муҳим масалалар кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Ингилчи материалларини ўрганиш, улар бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳамма жойида қизгин киришганини кузатиш мумкин. Зеро, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари, амалдаги қонуларнинг изчил жорий этила бориши жамият ҳаёти тўғрисида соҳаларда ўтказиладиган туб ислохотлар муваффақиятини таъминлайди.

Бу борада Республика Президенти Фармонлари, фармоишлари ва уларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда шаҳар ҳокими қабул қилган қарорларнинг баҳарлигини таъсирчан назорат қилиш мумкин аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар ва туман назорат инспекциялари бу масалаларни ўз фаолиятларининг бош йўналиши деб билдилар.

Жумладан, шаҳар назорати инспекцияси Президентимизнинг 97 та Фармонларининг ижросини доимий назорат остига олган. Тошкент шаҳар ҳокимиликда шаҳар ва туман назорат инспекцияларининг 1999 йил 1-ярим йилдаги ишлари бағишланган ҳисобот мажлисида айнан шу масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ҳисобот мажлисида шаҳар назорат инспекцияси раҳбарияти, туман ҳокимларининг ўринбосарлари — назорат инспекцияларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда назорат инспекцияларининг 1-ярим йилликда Президент томонидан қўйилган долзарб масалаларни амалга ошириш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди. Шу йилнинг олти ойи давомида назорат инспекциялари ҳодимлари томонидан жами 108 та текширув ўтказилиб, улар давомиде 500 дан зиёд бошқарма, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти ўрганилган. Унинг натижалари «Ижрочилик интизоми мустаҳкамлаш тўғрисида»ги ҳукумат қарори асосан баҳарлиётганини кўрсатди. Айни пайтда қатор қор-

хоналар, ташкилотлар раҳбарлари томонидан бу борада ҳато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул эмиссиясини қисқартришга қаратилган қарорларининг баҳарлигини ва ижрочилик интизомига шаҳар ҳудудидеги умумий оқватланиш қорхоналарида риоя қилиниши тўғрисида»ги шаҳар ҳокими қарори асосида тармоқнинг 112 инспекцияси Президентимизнинг 97 та Фармонларининг ижросини доимий назорат остига олган. Тошкент шаҳар ҳокимиликда шаҳар ва туман назорат инспекцияларининг 1999 йил 1-ярим йилдаги ишлари бағишланган ҳисобот мажлисида айнан шу масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ҳисобот мажлисида шаҳар назорат инспекцияси раҳбарияти, туман ҳокимларининг ўринбосарлари — назорат инспекцияларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда назорат инспекцияларининг 1-ярим йилликда Президент томонидан қўйилган долзарб масалаларни амалга ошириш борасида қилинган ишлар таҳлил этилди. Шу йилнинг олти ойи давомида назорат инспекциялари ҳодимлари томонидан жами 108 та текширув ўтказилиб, улар давомиде 500 дан зиёд бошқарма, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти ўрганилган. Унинг натижалари «Ижрочилик интизоми мустаҳкамлаш тўғрисида»ги ҳукумат қарори асосан баҳарлиётганини кўрсатди. Айни пайтда қатор қор-

хоналар, ташкилотлар раҳбарлари томонидан бу борада ҳато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани маълум бўлди.

Мақалла

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Республикаимизда спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор, айниқса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жойларда оммавий спортнинг кенг ривожланиши учун янада улкан имкониятлар очди. Шаҳримиздаги айрим маҳаллаларда фаоллар ўз савий-ҳаракатлари билан спорт майдончаларини куриб, жиҳозламоқдалар. Жумладан, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, Тахтапўл маҳалласидаги 2 «а» уйда яшовчилар ҳам уйлари атрофига ҳашар йўли билан волейбол майдончаларини куридилар. Бунинг учун уй ҳарисидеги ташландиқ ер тошчи қичқилдирилган тозаланиб текисланди. Ҳозир бу ерда ҳар кун кечки томон маҳалладошлар иштирокида қизгин волейбол беллашувлари бўлиб турибди. Бу бир томондан ёшларимизнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтишига имкон яратса, ўрта ёшлилар ҳам спортга ошно бўлиб саломатликларини тикламоқдалар.

— Шу атрофда истиқомат қилувчи ёшларимиз бўш вақтларини спорт билан шугулланган ҳолда ўтказсалар, шу таҳдид уларнинг ҳар қил оқимлар, зарарли оdatларнинг таъсиридан узоқда бўлишларига эришсак, ўзимизни бениҳоят бахтиёр ҳис қилардик, — дейди биз билан суҳбатда 2 «а» уй бошлиғи Хусан ая Юсупов. — Волейбол майдончасини бунёд этишда 2 «а» уйнинг иккинчи йўлгадаги хонадонларда яшовчи Исмоил Маҳқамов, Зафар Сиддиқов, Аҳмад Урифов каби азамат йигитлар астойдил тер тўкиб меҳнат қилдилар. Келгусида майдон атрофига дарахтлар ўтказиб, теннис корти ҳам қурмоқчимиз. Бундан ташқари Фуркат боғи ичида футбол майдончаси қуриш режаларимиз ҳам бор.

Дарҳақиқат, маҳаллаларимизда ёшлар қанчалик кўп спорт билан шугулланишига улар орасидан Р. Ризқиев, М. Қосимов, О. Юсупов каби донг жаҳонга кетган юлдузларининг ётишиб чиқишига шубҳа йўқ. Болжонларимиз эса соғлом, бақувват ва юксак онгли, ҳақиқий инсонлар бўлиб этишадилар.

Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.

Назорат инспекциясида

Ҳашар — элга ярашар. Шунинг учун ҳам пойтахтда тадбиркорлик ҳаракатининг кенг ёйилишига қўмақлашиш худудий назорат инспекциясининг доимий диққат марказида. Чунинки, Мирзо Улғабек туманидаги «Ист-Баттерфляй» қўша қорхонаси фаолиятини ўрганиш чоғида унга нисбатан назорат органлари адолатсизликка йўл қўйгани, тафтиш жараёнида чуқур ўрганилмаган қилинган ҳисобот асосида Республика солиқ қўмитаси 2311,4 миң сўм нотўғри жарима солганлиги аниқланди ҳамда амалий ёрдам бериш мақсадида тегишли юқори ташкилотга йўлланди.

Умуман, шаҳар ва худудий назорат инспекцияларининг таъсирлари қўра, ўз ишлари га маъсулиятсизлик билан қараганлик учун 437 мансабдор шахс жавобгарликда тортилди, 42 раҳбар ҳодим эғаллаб турган лавозимдан бўшатилди. 40 та текшириш ҳужжатларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига йўлланиб, улардан тўққизтаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. 38 раҳбарга нисбатан маъмурий чора қўлланди. Текшириш жараёнида умуман 132 миллион 633 миң сўмлик қамомат, ҳисобга олинмаган ҳоддий бойликлар аниқланди. Ҳозир уларни қайтариш чоралари қўрилмоқда.

Илохий китоб «Авесто»нинг зарварақла-да сирли томонлар шунчалик кўпки, ўки-нин сайин унинг янги-янги қирралари очи-аверди. Мана ҳайвонлар ҳақида сўз кет-анида, шунчаки, деб ўйлаб унчалик аха-ият бермаган эдик, аммо ўйлаб кўрилса э-эжиз эмас экан. «Авесто»нинг ҳайвонлар ҳа-қидаги жумлаларини ўқиб, беихтиёр ха-нақларни кўз ўнгимдан бир-бир ўтаве-ди. «От — йигитнинг йўлдоши» дейилса, ир нақда, бошқасида «Той отга етказар, му-родга» дейилади. Ёки бўлмаса «Этик й-санг, эр бўлсан, отга минсанг шер бу-ан» ҳикоятига қаранг, нақадар маънава-ва мақсадлидир. «Итда бор вафо, бил-санг жафо».

Чунон бўлсан кўйи боқ,
Мой тошин чорадан
Ит боққанда, сиртлон боқ,
Кўй оадирмас кўрадан

булар бекорга айтилмаган. «Авесто»да ам ҳайвонлар мадҳ этилган, уларга эъти-вор бекис катта бўлган. Мана эътибор беринг «... ем хашаги кўп бўлиб, чорваси на итлари тўқ яшаса, ўша манзил мухта-ламдир» дейилган. Чорвада гап кўп, тў-нин-сочинлигининг сабабчиси ҳам у, тўқ-ни-лик, кўт-барока ҳам унга бориб тақалади.

Утқур қозқ тиллари билан.
Кутурғандир ва энгиб бўлмас,
Ола-чипор тумшуги, сержаҳа.
Олдин-орқа оёқлари
Яратилган темирдан,
Темирдандир дум ва жағи
Томирлари — темирдан.

Ўқоридагилардан маълум бўлаптики, кобонлардан ўтмишдошларимиз жанг майдонларида фойдаланганлар. Куйида, уларнинг жанговарлиги тагин ҳам ёрқин-роқ тасвирланган.

Шиддат билан ташланаркан,
Рақибларин рағмига,
Бир ҳамлада ёриб ташлар,
Мақлуб ёйлар беписанд
Ва душманин умуртқасин —
Ҳаёт асос устуни

Майда-майда қилмагунча,
Мақлуб қилдим дея зинҳор
Ўйлайдир бировин.

Казобларин тилка-пора
Айлашар бир ҳамлада
Соқларин ва сўнқаларин,
Қоқларин ва милсин
Қориб ташлар туйроқ билан.

«Авесто»да қушлар нафақат маромига ет-казиб куйланган, балки илохийлаштирил-

Ватанимиз муста-қиллиги туфайли санъатда ўз бахтини топган Муассарнинг овози кимларни ўзига ром этмасан дейсиз.
Хали-хали кўз оиди-да.
Мустақиллик майдони... Мустақил-лик кўнги бағишлан-ган театралашган байрам концерти. Сах-нада Муассар Раззокова. У жонажон озод Ватан, мустақиллик ҳақида жўшиб куйлайди. Менинг на-заримда ўна куйи Муассарнинг овози ҳеч кимни бефарқ қолдир-мади, кўнги муассар-дан кейин қилганисиз гуд-дурас қарсақлар майдонни ларзага кел-тирди. Шунда мен кў-шик миллатнинг қал-би эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қил-дим.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Замонлар ўтаверади, даврлар ўтаверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанин севиш, суюб ар-доқлаш, бор вужуди билан жўшиб куйлаш олий бахтдир». Мана шундай бахт Муассарга ҳам насиб қилди.

Муассар устоз санъат-корлар Халима Носирова, Саодат Қобуловалар ор-қасидан эржадидир. У уст-ида тинмай меҳнат қил-либ ўзи ҳам устозлар да-ражасига етди. Шундай кучли ва ҳозирча, ўтқир ва таъсирчан, кен қула-

САНЪАТКОР АЁЛ БАХТИ

Сиз кутган учрашув

ли овоз соҳибасининг хали ёш бўлишига қарамай муси-кий хотираси, партияларни ўзлаштириши, сахнада яратилган образлар руҳига қира олиш қобилияти таҳсин-га сазовор. Муассар яратган образлар ҳоҳ ўзбек миллий, хоҳ ғарб операсида бўл-син, ўзининг бетакрорлиги билан ажралаб туради.

Икки огиз сўз унинг санъатга кириб келиши ҳа-қида. 1972 йил «Мархабо та-лантлар» республика телеви-зион таллови ўтказилди. Ўша пайтда Муассар Қорақалпо-ғистон Республикаси Бери-нин шаҳридаги мактаблардан бирида ўқи эди. Уни тан-ловга қатнашишга таклиф қилдилар. Овозини эшитган ҳайрат аъзолари бир овоздан ўна биринчи ўринни берди-лар. Шундан кейин унинг овози республика телевиде-ниеси орқали янгради. Энд-и туманда, шаҳарда ўткази-ладиган тадбирлар Муассар-нинг иштирокисиз ўтмайди-ган бўлиб қолди. 1982 йил «Санъат ганжалари» рес-публика кўрик-танловида қат-нашиб унинг голиби бўлади.

Ушунда танили санъаткор Халқ артисти, профессор Саодат Қобулова қизақоннинг ноёб истеъдод эгаси эканли-гини кўриб уни М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида ўқиш учун тавсия қилди. Шундай қилиб 1983 йилда Муассар ҳаётида катта бурилиш яса-ди. У консерватория вокал бўлимига қабул қилинди. Кон-серваторияда унга Саодат Қобулова ва таникли опера хонандаси Розалинда Лаут

устозлик қиладилар. Иқти-дорли талабани бешинчи ку-рсдаёқ А.Навойий номидаги Давлат Катта академик теат-рига ишга тақлиф қиладилар. Муассар ҳаётида янги давр бошланди. Устози С.Қобуло-ва ёрдамида С.Юдақовнинг «Майсаранин иши» операси-даги Ойхон унинг театрида биринчи катта роли бўлди. М.Ашрафийнинг «Дилором» операсидаги Дилором образ-и устоди ишлаш, унинг у-чун катта ижодий мактаб ролини ўтати.

Саодат Қобулова, дирижёр Абдуғани Абдуқаюмов ва бошқа танили санъаткорлар Муассарни етук опера хонан-даси бўлиб етиштишга яқин-да ёрдам бердилар. Ҳозир унинг репертуарида илгари санъатлаштирилган ўзбек мил-лий опералардаги образлар билан бир қаторда сўнгги йилларда яратилган миллий опералардаги роллар ҳам бор. Хусусан М.Бафоевнинг «Умар Хаём», «Ал-Фарғоний» операларидаги бош аёл образ-лари ўзининг жозибадорли-ги ва бир-бирига ўшамасли-ги, оригинал вокал тақни-ми билан ажралаб туради.

Муассар Раззокова нафа-қат ўзбек миллий операла-рида, балки театрда катта му-ваффақият билан куйлиб ке-лаётган жаҳон опера дурдо-наларида ҳам маҳоратини на-моиш этиб келмоқда. Маш-ҳур Италия композитори Жу-зеппе Вердининг «Травата», «Риголетто» ва «Бал-маска-рад», Россининг «Севилья сартароши» мумтоз операла-рида яратган ва севиб ижро этган бош аёл образлари таҳ-

санъатидан нафақат муста-қил Ўзбекистонда балки Германия, Венгрия, Тур-кия, Испания, Америка Қўшма Штатларида ҳам кў-шиқ шинавандалари баҳра-манд бўлганлар. Шу кун-ларда у Белгия бўйлаб ижодий сафарга боришга тайёрларик кўрмоқда.

Муассар миллий кўшиқ-чилик санъати ҳам катта ҳисса кўшаётган санъат-кордир. Унинг репертуари-дан 50га яқин кўшиқ жой олган, буларнинг ичиди ўзбек халқининг мумтоз ашуалари, замонавий кў-шиқлар, ўзбек ва рус бас-такорларининг романсла-ри, турк ва бошқа халқлар кўшиқлари жой олган. Айниқса композиторлар Рустам Абдуллаев, Муста-фо Бобоев, Анор Назаров, шоирлар Абдулла Орипов, Жуманазар Жаббаров, Нормурод Назруллаевлар билан ҳамкорликда яра-тилган кўшиқлар унинг ре-пертуарида алоҳида ўрин эгаллайди.

Муассар Раззокова санъатнинг мураккаб, аммо гўзал ва оромбахш тури бўлган опера санъатини халқнинг эстетик тафакку-рида, маънавиятига синг-диришда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозир у ижодий изланиш-да, янги-янги операларда янги образлар, янги-янги кўшиқлар яратиш ишти-ёқда яшамокда. Шу кун-ларда у Ватанимиз Муста-қиллигининг 8 йилгига бағишлаб янги кўшиқлар астида ишлаяпти. Композитор Рустам Абдуллаев ва шоир Нормурод Назру-лаев билан ҳамкорликда яратилган «Хур ўзбек қизиман» кўшиғи шулардан бири.

Анвар ЕҚУБЎЖАЕВ.

«АВЕСТО»ДА ЖОНЗОТЛАР МАДҲИ

Оғирингни енгил, узоғингни яқин қилади-ган ҳам ҳайвонлардир. «Авесто»да новос нафақат улугланган, балки илохийлашти-рилган. Бунинг ҳам боиси бор, мана қулоқ тутинг:

Пайдо бўлди Зардушт қошида
Олтин шохли новоси билан.
Чиройли ва юзат қудратли
Ким шохлари узра бўйланди
Куч ва қудрат.

Таърифи гап йўқ, ҳатто шохларини ол-тинга тенглаштирарди. Новосга бўлган эътибор янаям чуқурлаштирилиб ҳамду са-нолар баҳишида этилапти. Бир сўз билан айтилганда Новос улугланаяпти, шараф-ланаяпти. Мана эшитинг:

Куч ва қудрат Новосга бўлсин!
Шону шавкат Новосга бўлсин!
Сўз ва қалом Новосга бўлсин!
Ошиқ-овқат Новосга бўлсин!

Ҳа, Новос илохийлаштирилган. Шунин-г учун Новосга «Авесто»да катта эътибор берилган. «Новос қалби» — қилинган қур-бонлик — жонлиларнинг барчасини руҳи ҳисобланиб, барча фойдали ҳайвонларни кўпайтирувчи илоҳдир. Ҳайвонга бунчалик катта эътибор беришликнинг боиси, унинг одамларга кўрсатаётган яхшиликларидан ишлаш керак. Ер ҳайдади, сўт ва гўшт беради, кийим-кечагу пойабзал ҳам улар-дан, ўтин билан таъминлайди, гўнги ҳам керакли.

Отлар азалдан одамзотнинг йўлдоши бў-либ келган. Аждодларимизнинг ҳаётини от-сиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Авесто»ни-нг гўзал сатрларида отлар мадҳ этиляпти. Мана эшитинг:

ган. Ҳатто қушларнинг патларидан ҳимоя қилувчи восита сифатида фойдаланганлар.

Вараи (илоҳий) кўш қанотидан
Турт дона пар олсин шунда,
Хар бир қўшин қаршисиди
Тутиб турсин ўша парни
Ва қилма-ким энг бирламчи
Тоат қилса чин кўнгидадан,
Вартрагна (илоҳ)ни чорласа,
Шарофатли, қудратли ул.

Наил бўлар
Ва ўнганга насб қилар
Ғалаба ҳам...

Азиз ўқувчи, бу ерда ҳеч қанақа мубо-лага йўқ. Қандайдир сирли жумбоқ борга ўхшайди. Қуш парларида одамни сергаж-лантирадиган, куч-қувват бағишлайдиган бирор нарса бордир ёки илоҳий қушинг парлари, киши ғайратини жуштиради, иш-қилиб нима бўлса ҳам уни фойдаси бў-лган. Кейинги жумлага эътибор беринг.

«Ва қилма-ким энг бирламчи
Тоат қилса чин кўнгидадан»

Ҳа, чин кўнгидадан тоат қилишда каро-мат мўл, бунинг устига «энг бирламчи» бўл-са Тангри саховатини аямайди. Оллоҳ қўл-лагандан кейин «ғалабани нақиб қилиши» муқаррар. Фикримизни кейинги иқтибос тўлдирди. Мана эътибор беринг:

Кенг қанотли қушлар ичидан,
Вараи кўш парини олгин,
Спитомна-Зардушт
Тананг бўйлаб юрэйсиз ул.
Шу йўсинда ёвуз ёларинг
Қарғишдан ҳалос бўларсан,
Ёвуқ қушлар ичра ягона
Шиддатли ул Вараи қушининг
Сўнган ва парлари бизга
Яхшиликлар келтирадир бил.

Ҳеч қим урда қилмас аса,
Қочқин чоғи ишқмас, ўлдирмас,
Қушлар, қуши пари мисоли.
Қимга омад бахшидаз тар,
Қимга мадад бергайдир ул қуш.

Ана, азизлар, хулоса чиқаришини Сиз ҳур-матиллар ҳукмига ҳавола этамиз. Аммо, а-ждодларимизнинг илоҳий китоби «Авесто»да-ги муборак қалималар фикримизни чарх-лашга, ақлимизни пешлашга ишончимиз қомил. «Авесто»да ҳайвон ва қушлар ҳа-қида ибратли ҳикматлар сероб, ҳаммаси бир нарсага қаратилган, у ҳам бўлса эзгу-ликнинг қарор топишидир. Мана, қуйида-ги мисолларда ҳам отларни улуглаб, уни яхшиликларга хизмат қилдирапти:

Яйловлари худудеиз Митра (илоҳ),
Бахт айлагил отларимизнинг
Абзалга куч-саломатлик,
Ўзимизга соғ-саломатлик.
Душманларин олмас-олмасдан
Қушмоқлик имкони бергил,
Ким бир зарба яқсон этмайлик.
Ганимларин яқсама-яқса
Қуш-паяқун айтайлик бутқул
Бизга ҳасм барча-барчани...

Сизнаман бахт-шодлик ҳаққи...

Дарҳақиқат, ганимларни тўқ қилиш ба-хтли-шодлик яшашга йўл очади. Ана шу йўл мустаҳкам эътиқод; сабр-бардош, заҳ-матли курашиш орқали очилади. Умуман, «Авесто»да яхшиликнинг яхшилиги ҳар сат-ридан бўйлаб турибди. Авлодлари учун «Авесто» маънавий ҳазина бўлиб қолаве-ради.

Мусокул УСМОҲОВ.



Мактабгача тарбия

БОЛАЛАР ЖОНИ ДИЛИМ

Фарзандларимизнинг оқилу доно бўлишларида аввал оила, қолаверса, богча, мактаб ва ўқув муассасала-ри алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса 4-5 ёшдаги боло-ларнинг бойрон тиллари, ажойиб қилиқларини кўриб, албатта богчага борса керак, деган хулосага кела-миз. Чунки богча ҳам ўзига хос бир олам. У ердаги турли хил ўйинчоқлар, ўйин майдончалари, ҳар хил машғулотлар ва бошқа барча энг яхши хислатлар ана шу богчада муҳассас.

Ҳамза туманидаги 517-маҳсус болалар богчаси-да тарбияланган бола-жонлар бугунги кунда давримизнинг етук фар-зандлари бўлиб етишиб, ҳар хил соҳаларда меҳ-нат қилишмоқда. Улар бу даргоҳини қалблари тўла қувонч, завқ-шавқ билан эслаб туришадди. Ҳатто уларнинг айримлари ка-дрдон богчаларига кели-шиб, сеvimли опалари Дилором Қурбонова билан ҳамсуҳбат бўлиб ке-тишадди. Чунки богчанин ташкил топганига 20 йил тўлди.

— Богчамизга қабул қилинган болалар фақат шан-ба ва якшанба кунлари уйла-рига кетишадди, — дейди му-дир Дилором Қурбонова. — Сабаби болалар доимо ши-фофорлар назоратида бўлиб, улар тарбия олиш билан бир қаторда саломатликларини тиклаб боришадди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса уқалаш, тубосдан (огиздан нурли ши-фо олиш) фойдаланиш, спор-т машғулоти билан шу-ғулланиш, ҳамда турли ўсим-ликлар дамламасидан тайёр-ланган шарбатларин ичиш(фитобар) уларга катта ёрдам бермоқда. Богчанин бошқалардан фарқ қилиш то-

мони, тез-тез шомоллаш хасталигига учраб турадиган, доимо шифокор назоратида-ди болаларнинг тарбиялани-шидир. Бу болалар тумани-миздаги сил касаллиги дис-пансери орқали ҳар 1, 3, 6 ойда назоратдан ўтказилади. Саломатликларни тиклашиб, шифо топан болалар ўзла-ри яшайдиган худудлардаги богчаларга юборилади. Айни вақтда богчамизда 120 та бола тарбияланиб, шифо то-пишмоқда. Фарзандларимиз тарбиясининг ҳар томонла-ма мукамал бўлишида 14 нафар олий ва ўрта маълу-мотта эга бўлган тарбиячи-лар меҳнат қилади. Улар ори-сида Фотима Холтоева, Аня Циркулова, Валя Волкова, шифокорлардан Ёқутхон Тў-раева, Муҳаббат Хайруллаев-валар ва бошқаларнинг хиз-матини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Богчада айна шу кунлар-да мустақиллигимизнинг саккиз йилгига ҳамда ян-ги ўқув йилга катта ҳозир-лик кўрилимоқда. Богча му-дириси Дилором опа эса бу-гунги кунда қўш байрамни нишонлашга тайёрларик қўряпти. Биринчиси Истик-лол байрами бўлса, иккин-чиси меҳнат фасолиятини богча опалиқдан бошлагани-га 30 йил тўляпти.

— Агарда касбингизни ўзгартиришга тўғри кели-либ қолса қайси касбини танлаган бўлар эдингиз, — сўраймиз Дилором опа-дан.

— Барибир богча опалиқ-ни. Чунки болалар жони ди-лим, — деб жаваб беради у.

Дарҳақиқат, опаниннг қўз-ларидаги шуур, қалбларида-ги оналик меҳри фарзанд-ларига ҳам улашилган. Қиз-лари Нигорахон ва уч нафар келинлари Раънохон, Саодатхон, Ферузахонлар ҳам опанин шогирдлари санала-ди. Ўғиллари Шавкат, Дил-шод, Шерзодрлар эса турли соҳа эгалари. Турмуш ўртоқ-лари Қозим ака 10 та наби-раниннг сеvimли бобоси бў-либ, қарилик гаштини сур-моқда.

Гулзода АБДУЛЛА қизи.
СУРАТЛАРДА: болаларни-н сеvimли опачисини Ди-лором Қурбонова болалар-га табиятни авайлаб-асра-шни ўргатапти.
Рустам Шарипов олган сурат.

Таълим

АМАЛИЁТ ТОҒЛАРДА ЎТДИ


Ўзбекистоннинг Ўзбекистон педагогика уни-верситетининг Бўстонлик тумани худудидида энг хуш-манзара ерда жойлашган «Хумсон» спорт-соғалаш-тириш оромгоҳида ҳар йили ёзиқинг 3 ой мобайнида юзлаб талабалар ва домлаар, ишчи-хизматчилар ми-рқиб дам оладилар. Ўқув йили давомидида таълим-тарбия жараёнининг узвий қисми бўлган, таълим қўйнида ўтказиладиган ёзиқ амалиёт машғулотлари-нинг маълум бўлаги кўп йиллардан бун ҳушқаво масканда ўтказиб келинади. Уларга бериладиган йў-налимлар қасаба уюшма томонидан иштиёқли нарх-лар асосиди, ҳар бир кишининг шарт-шароити, имко-ниятларига қараб тақсимланади.

— Биз июль ойида ба-дий-графика факултети-нинг талабалари билан очиқ ҳавода атроф-муҳит манзараларини чизиб бўйича ўқув-амалиётини олиб бордик, — дейди кат-та ўқитувчи, Ўзбекистон Ба-дий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси Руслан Халилов. Гурӯҳ асо-сан биринчи, иккинчи ва учинчи курсларда ўқиётган талабалардан ташкил эти-либ 46 кишидан иборат бўлди. Улар таърифи педа-гог-рассомлар доцент Гофир Абдурахмонов, ўқи-тувчи Нозимқўжа Абдусало-момқўжаев, катта ўқитувчи Мирвали Мирдавдов раҳ-барлигида Хумсон кишло-ғи ва унинг атрофидидаги тоғ-ларнинг гўзал манзарала-рини тасвирлаш машқлари-ни бажардилар. Шу билан бир қаторда бошқа фа-култётларнинг 60 дан зиёд талабалари билан му-локотда бўлиб, бирга дам олиб, соғлиқларини мустаҳ-камладилар.

Яқинда талабалар бажар-ган рангтасвир ва графика оид ўқув-машқ ишларин-г бир кунлик кўргазмаси — синов, баҳолаш қўрғи бўлиб ўтди. Унга Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор тарихий ҳамда замонавий бинолари, шунингдек, Ўз-бекистон Миллий боғи, Бо-бур номли истироҳат боғи сўлим манзаралари тасвир-лари ҳам қўйилган эди.

— Бунинг сабаби тоғлар-даги амалиётдан аввал ша-ҳар кўринишларини чизиб бўйича ҳам бир ҳафталик машғулотлар ташкил қил-ганимиздандир, — дейди Та-свирий санъат ва уни ўқи-тиш методикаси кафедраси-нинг муdiri Ботир Бойме-тов. — Натижалар ёмон эмас, синовлар ёш рассом-ларнинг илк муваффақият-ларини намоян этиб туриб-ди.

Баҳром ТОҶИБЕВ.



Бугунги Тошкент.

Қадриятлар

МУҲАББАТНИНГ ИЛОҲИЙ ҚУДРАТИ

Одам Ато билан Момо Ҳаво замонидан бери му-ҳаббат деб аталмиш сеҳр-ли қудрат мавжуд. У ин-сонларни гоҳ суюнтиради, гоҳ ғам-ғуссага ботиради, гоҳида умиш бағишлайди, баъзида ҳаммасини пучга чиқаради.

Муҳаббатнинг маълум бир қонун-қоидаси йўқ. Лекин ер юзида муҳаббат-га ўрнатилган турли хил ёдгорликлар бор. Муҳаббат ҳақида жуда кўп ривоятлар ҳам мавжуд. Бироқ муҳаб-бат мавзусидаги охириги сўзни халигача ҳеч қим ай-тиб беролган эмас. Уни ҳар бир юрак ўзига ҳар хил қа-бул қилади. Буюк аллома

Иереми Бенетт ўсмирлик пайтида бир қизни яхши кў-риши қилади. Унга турмуш ку-ришини тақлиф этади. Бироқ қиз қад қилади. Орадан йил-лар ўтади. И. Бенетт ўзи таъ-вдан қизни ҳамон яхши кў-риб, сўққабаш бўлиб юраве-ради. Олтимыш ёшга етган, сеvimлисига мактуб йўллайди, ҳамон яхши қуришини баён қилади. Аммо бу сафар ҳам рад жавобини олади. Айтиш-ларича, ўша киз тўғрисида гап очилиб қолса бас, Бен-етт дарров кўзаларига ёш олиб, бирдан ҳаяжонланиб кетаркан.

У саксон ёшга киргач, се-vimлисига энг охириги хайрла-шув мактубини йўллайди:

«Жонгинам, мен ҳали ҳаёт-ман. Ўн олти яшар пайтим — сенга гуллар тақдим этган дамларда қанчалик яхши кўр-ган бўлсам, ҳозир ҳам шун-дай севаман. Мен сени се-вадан севаман. Шундай муҳаббат ҳа-қида қилган тақдиримдан ро-зиман. Алвидо!»

Ҳақиқий муҳаббат инсон-ни не-не қуйларга соймайди. Ахир қурраи замин яратил-гандан буюн миллион-мил-лион одамлар муҳаббатнинг орқасидан қувалайдилар. Ун-га етганлар ва етмаганлар бор. Азал-азалдан буюн ҳа-қиқий ошқикларнинг асл мақ-сади — руҳан, табиятан, таш-қи кўринишларин ўзига ёқа-диган ёр топишдан иборат

бўлган. Фақат қалби пок ин-сонларгина чинакам севиш ва сеvimлиши мумкин.

Ҳақиқий муҳаббат бу дун-ёдаги энг ноёб, камёб ҳодиса-дир. Олимлар муҳаббат бобиди инсонларни икки тои-фага ажратишди: сеvimшига қодир бўлган ва муҳаббат туйғусидан бениасиб бўлган инсонлар.

Ҳиндистонда буюк салтан-нат соҳибни бўлмиш Шоҳжа-хоннинг суюкли хотини Мум-тоз хоним вафот этган, чина-кам муҳаббат эгаси бўлган подшоҳ бу ёруғ оламда ўзи-ни ёлғизланиб қолгандек ҳис этиди. Унинг гўссадор юра-ғига қил ҳам сизгай қолади. Битмас-туганмас ҳазина ҳам, оху кўзали малакалар ҳам суюк-ли ёри ўрнини босолмайди. Донишманд шох марҳум ра-фикасини шарафига бу дунёда бетимсол бўлган ажойиб ёд-горлик барпо этасигина ўқис-қилгани андак хотиржам бўли-ши мумкин деб ўйлайди. Улар 19 йил бир ёстиққа бош

қўйиб яшаган, тўққиз фарза-нд кўрган эдилар. Шоҳжахон сеvimли ёрининг хотираси учун беназир Тоҷмаҳал осо-ри атиқасини бунёд этади. Оламдаги етти мўъжизаниннг бири сифатида тан олдинган ниҳоятда чиройли ўша сарой ҳозир ҳам буюк муҳаббат ти-мосли бўлиб қад кўтариб тури-бди. Ҳамон ўз қўзалиғи билан инсониятни хайратга солаётди. Самарқанддаги Би-бихоним мадрасасиҳи? Бу-лар неча-неча асрлардан буюн ана шу буюк муҳаббатнинг яқол тимсоли бўлиб гавда-ланиб келаётир.

Ҳақиқий муҳаббат тасвир-лаб ёзилган не-не буюк асар-ларни айтмаймишми? Мисол қилиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини келтириш мумкин. Езуви ҳазининг бу буюк асарларида ҳақиқий му-ҳаббатни гўзал буюқларда у-сталиқ билан муҳирона тас-вирлаб берган.

Изаат АХМЕДОВ.



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЙЕСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 93 (9.285) 1999 йил 11 август, чоршанба

Сотувда эркин нархда

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ

Мустақиллик туйғули элмизда миллий қадриятларимиз тикланиб, шарқона урф-одатларимиз ҳаётимизга сингиб бормоқда, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, саховат турмушимизда ёрқин аксини топмоқда. Кунги кеча пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида бошланган тадбир ҳам бунинг яққол далилидир.



Туман ҳокимлиги ва туман «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллик байрамига аjoyиб соғва ҳозирлаб, маҳаллалардаги кам таъминланган, ёлғиз оналарнинг 50 нафар фарзандига ҳайрия суннат туйғини ўтказиб беришга бел боғладилар. Тумандаги ҳар қандай маҳалладаги ушбу тадбирга ҳомийлик қилишни ўз зиммаларига олишди. 24 август кунги ўтказилган ушбу суннат туйғида қийин учун 50 нафар болага бош-оёқ сарпон тортиқ этилди. Бу қийинларни тайёрлаб беришда пойтахтимиздаги «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти, «Юлдуз» хиссадорлик жамияти, 2-пайлабзал фабрикаси ҳамда «Ширинзабон» кичик корхонаси чеварлари жонбозлик кўрсатишди.

Саховат БАЙРАМГА СОВБА



— Бир ёшдан 6 ёшгача бўлган бу болаларнинг орасида Бобирю Нодирлар, Хасан-Хусанлар, Шерзоду Фахриддинлар бор, — дейди туман «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси Хислат Содиқов. — Истардикки, бизнинг бу тадбиримиз нафақат ота-оналар, балки мурғак болаларимиз қалбида ҳам эзгулик уруғини сочин. Улар ёшлигимда саховат, оқибат сўзларининг маъносини англаб етсин.

Эллик жон, эллик бийрон, эллик тойчоқ, эллик келажак ўзининг тўй сарполари билан эсдалик учун суратга тушишди ва ота-оналарнинг миннатдор дил сўзлари битилган ташаккурнома, кичкинтойларнинг қабл изорларини эълан қилди.

Суннат туйғи тантаналари

Қурилиш ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллик байрамини шайхонтохур йўл-қурилиш ва таъмирлаш престиж жамоаси ҳам яхши натижалар билан кўтириб олишга интилоқда.

Тараддуд «БОҒИ ЭРАМ» ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧАДИ

Пойтахтимизда гўзал бинолар, кўркам боғлар барпо бўлишида кўли гул қурувчиларнинг меҳнатлари беқийс. Уларнинг беҳимнат хизматлари туйғули шайхонтохур «Боғи Эрам» истироҳат маскани ҳам қайта таъмирланмоқда. Қурувчилар кўни муносибати билан яқинда бу ерда 400 нафардан ортиқ қурувчиларга Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан дастурхон ёзилиб, қурувчилар кўни нишонланди.

Ушундан кўра маънавий хизмат уйи ҳодимлари «Боғи Эрам» қурувчиларига бепул хизмат кўрсатишди. Кечада қурувчиларни танқили санъаткорлар ўзларининг жозибали кўй-қўшқлари билан хушнуд этишди. Шунингдек, уларга туман ҳокимлиги томонидан ажратилган фахрли ёриқлар топширилди. Шундай тадбирлар туманда Мустақиллик байрами олдидан ишга тушириладиган инфографика ва ҳисоблаш коллежиде, янги академик лицейда, «Машинасозлар» коллежиде, туман ФХД бўлимида ҳам бўлиб ўтди.

Юқорида номлари тилга олинган объектларни қуриб битказишда нафақат қурувчилар, балки тумандаги барча йирик ташкилот, корхоналар ҳодимлари ҳамда олий ўқув юрталари талабалари ҳашир йўли билан қатнашадилар.

чалари қайта таъмирланмоқда. Йўлсозларнинг Юнусобод бозори ёнида қад ростлаган улкан кўприк қурилишида бажарилган ишлари ҳам самарали бўлмоқда. Трест йўлсозлари Қўйликда «Бектемир» бозори ёнида ҳам улкан ишларни амалга оширишпти. Улар бу ерда ҳам кўприксозлар билан бир қаторда туриб меҳнат қилишмоқда. Ушбу кўприкнинг байрам арафасида фойдаланишга топширилушига трест жамоаси ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда.



Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла кўни» байрами кенг нишонланди.

Карнай-сурнай садоси боққа ташриф буюраётганларнинг қалбини ларзага солиб, қувонч ва шодлик улашарди. Байрамога қайфият ва шуур каттаю кичкинчи боғ ичра сайр этишга ундаётганди. Учинчи маротаба ўтказилаётган «Маҳалла кўни» тантанаси қатнашчиларини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимовалар қизгин қутлашди. Сўнг Аёллар йили муносибати билан ўн битта туманда ўтказилган «Намунали маҳалла», «Намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши», «Маҳалланинг энг намунали тадбиркор аёли», «Энг ибратли келинчақ» кўрик-танловларининг ғолиблари эълон қилинди ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари ҳамда жамғармаларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Фурсатдан фойдаланиб, тантанادا иштирок этганлар билан сўхбатда бўлди.

Фарида АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси:

Байрам барчамизга олам-олам қувонч бахш этаяпти. Бир сўз билан айтганда бу тадбир Юртбошимиз таъкидлаганидек маҳаллаларга қаратилган асосий эътиборнинг намоёни бўлган. Чунки, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳадagi ишларимизнинг энг маркази маҳаллаларга қўяпти. Олий Маҳлисида қабул қилинган фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига айлантириш тўғрисидаги қонунга биноан фуқаролик давлати қурдиган бўлсак, биз кўпроқ эътиборни маҳаллаларга қаратмоғимиз керак. Шунинг учун маҳаллаларга кенг имко-

ниятлар, имтиёзлар берилмоқда. Мана кўрик-танловларнинг ғолиблари эълон қилинди. Уларга шаҳар ҳокимлиги томонидан ёриқлар ва совғалар топширилди. Гап совғаларда эмас, макссад уларнинг йил давомидаги меҳнатига бир оғиз раҳмат айтиш, таъзим билдириш. Бу эътибор уларга янада куч-қувват, ғайрат бахш этишга аминан. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларни яқинлашиб келаятган мустақиллигимизнинг саккиз йиллик шодлиғи билан ҳам қутлайман.



Анъаналаримиз МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Хайрулла МҲМИНОВ, Собир Раҳимов туманидаги «Намунали маҳалла» танловининг ғолиби, «Чигатой оқтепа» маҳалласи оқсоқоли: — «Маҳалла кўни» барчамизни янада жипслаштириб, Маҳалла — бу кичик ҳокимият демократияси. Гарчи шундай экан, биз оқсоқоллар фақат тадбирларда иштирок этиб қолмай ҳар биримиз маҳалланинг равнақи учун тадбиркор, иқтисодий, ҳуқуқшунос бўлмоғимиз керак. Ана ўшанда маҳалла қай даражада буюқ кучга эга эканлигини намоён этади.

Каромат БОҚИЕВА, Шайхонтохур туманидаги «Намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши» танловининг ғолиби, «Чорсу» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси:

— Ҳамшаҳарларимизни бу аjoyиб тантанани билан муборакбод этаман. Бизнинг маҳаллада 3000 дан ортиқ хотин-қизлар бор. Мен бор имкониятлардан фойдаланиб аёлларимизнинг оғирини енгли қилишга, иссиқ-совғидан хабар олиб туришга ҳаракат қиламан. Маҳал-

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА НОМЛАРИ АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Маълумки, шу йилнинг 22 июлида Республика Вазирлар Маҳкамаси «Ватан ва халқ озолиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» Қарор қабул қилган. Унда юртимиз озолиги ва мустақиллиги учун қурашда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка қорлаган, мустақил тузум йилларида қататон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотираларини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва улар асосида ёш авлоднинг тарбиялаш вазифалари белгилаб берилган.



Анъаналаримиз МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

ламизда жуда кўп фаол аёлларимиз бор. Улар билан жойларда бўлиб, биз учун яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшаёмиз.

Аъзамжон ГАДОЙБОВ, Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси:

— «Маҳалла кўни» байрамини ўтказиш анъанавий тусга айланди. Бунда мана шу кун муносибати билан ўтказилган танловларга яқун ясашиб, яна бир бор маҳаллаларимизда нечоғли фидойи инсонлар борлигини ўзгаларга ҳам таништириш асосий макссадидир. Биро, Олий Маҳлисининг XIV сессиясида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига айлантириш ва оқсоқолларга янада масъулият вазифаларда юкланди. Бундан бунга маҳаллаларда қўшничилик, қариндош-уруғчилик, ватанпарварлик, айниқса ёшлар тарбияси, шунингдек, аҳолининг ижтимоий таъминоти ва маданий-маънавий мафқурасини ошириш, ободонлаштириш борасида тинмай изланишлар олиб бориш масъулияти қучайтирилди. Тантанани иштирок этаятган 445 та маҳалладан 11 тасида ўтказилган танловда ғолиб деб топилди, уларга «Намунали маҳалла» деган шарофли ном. Тошкент шаҳар ҳокимининг ёриқлари ва жамғармалар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Буларнинг барчаси оқсоқолларимизнинг жойларда янада яхшироқ, янада нуфузлироқ меҳнат қилишларига далла бўлади.

Эрта тондан бошланган «Маҳалла кўни» байрами то кечгача давом этди. Бир аро сайил, турли хил спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Танлики санъаткорлар ва хушвоҳ ёш хонандалар дилрабо куй-қўшиқлари ҳамюртларимизга олам-олам қувонч бахшида қилди.

Гулзода АБДУЛЛА қизи, СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кўни» байрам тантанасидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Маънавият ва маърифат — миллат негизи

ЭЪТИҚОДЛИ ФИДОЙИЛАР ТАРБИЯЛАНАДИ

Истиқлол ғолибларига чуқур эътиқодли, дунёқароши теран, маънавияти бой халқини ўзининг буюқ келажакни бунёд этишга қодир бўлади. Фуқаролари жисмонан соғлом, руҳан пок бўлган мамлакат фаровонлик ва тараққиёт йўлидан, илм-фан ва маърифатни ривожлантириш йўлидан дадил бора олади. Бундай мамлакат халқи ўзидан кейинги авлодларга овоз ва обод юртни, мислиси маънавий бойликларни, энг муҳими — Ватанга, она тупроққа, инсонга чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини мерос қилиб қолдиради.

Зеро, маънавият ва маърифат тарих ва тараққиёт гилдирагини олға ҳаракатлантирувчи, миллатни улуглик пиллапояларидан юксакликка қўтарувчи қудратли куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Истиқлолнинг дастлабки кунларидан оқ мамлакатимизда миллий қадриятлар ва анъаналаримизни тиклашга, халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келинапти. Бу ҳаракатнинг бошида республикамиз Президентини турганлиги унга собитқадимлик ва ҳаётбахш таъсирчанлик бахш этмоқда. Жумладан, республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкил этиш ғояси ҳам айнан Юртбошимиз ташаббуслари билан дунёга келган.

Президентимиз ва мамлакат ҳукумати томонидан маънавият ва маърифат масалаларига бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Биз бунёд этишга киришган миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни фақат бой маънавиятга эга бўлган, табиат ва жамият ҳамда улар ривожига ҳақиқатда билимлардан хабардор, эътиқодли кишиларгагина таяниб барпо этиш мумкин. Шундай кишиларни тарбиялаб, камол топтириб бориш, албатта, олимизга қўйилган буюқ макссадларни амалга ошира бериш билан бирга изчил ва пухта ўйланган, мукамал тизимга асосланган тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйишни тақозо этади. Умуман фуқаролар, хусусан ёшлар онгида она Ватанга чексиз муҳаббат, уни гуллаб-йўшатилиш, шон-шухратини ошириш, болаларимиз буюқ меросига муно-

сиб ҳаёт тарзини шакллантиришга ишתיқ руҳида тарбиялашга етарли эътибор бермаслик, бу масалаларда суст-кашликка йўл қўйиш қандай оқибатларга олиб келишини шу йилги февраль воқеалари яққол кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам инсон фикрловчи мавжудот бўлиб, унинг миёси ҳаммиша ишлаб туради, янги-янги ахборотлар ва улар замиридаги ғояларни қабул қилишга доимий эҳтиёж сезади. Ғовий бўшлиқнинг бўлмаслиги айнан ана шундан. Агар инсон онги маънавият сарқашмаларидан доимий баҳраманд бўлиб турмас экан, умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ғоялари билан суғориб боришмас экан, инсонийликка ёт жамият манфаатларига зид қарашлар унинг ўрнини эгаллаши шубҳасиз. Бу борада Президентимиз тақдор-тақдор оғохлантириб келганлари маълум.

Бир кеча-кундуз 24 соатдан иборат бўлса — ана шу 24 соат ичда юрагимизда, қалбимизда маънавият жўш уриб туриши керак. Токи ҳеч қандай моддий бойликлар, шухратпарастлик, амалу унвонлар, ҳавойи интилишлар эътиқодимиздан олижаноб инсоний туйғуларимиздан устун бўла олмасин. Истиқлол башх элган буюқ неъмат — қалб эркинлиги, тафаккур эркинлиги, онг эркинлигининг туб моҳиятини, аҳамиятини, мард ва жасурона ҳаёт кечирishi санъатини чуқур идрок этиш, жисмимиз, руҳимизга сингдириб олиш ана шу маънавиятимизга боғлиқ. Бир вақтлар, аниқроғи 1987 йили чет элда — Белград шахрида бўлганимизда, Ўзбекистонданми десак, унинг қаердалигини тушунолмаи, «Россия» ёки «русия» деб қайта-қайта тасвирлаб, яна «ха...» деб ажабланишгани

Ақмал АҚРОМОВ.

ДАВР САДОСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНТИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувида қатнашган АҚШ Давлат котиби ёрдмчиси Карл Индербурдан мактуб келди. Унда жумладан шундай дейилади: «Биз илгари одимлаш учун учрашув берган бирор имкониятни қўлдан чиқармасангиз фойдаланиш йўлининг изламоқдамиз... Алоҳида учрашувимиз чоғида Сиз билан очик, рўйи-рост ва жиддий тарафда фикр алмашиш имконияти насиб этганидан беҳад мамнун бўлдим».

● Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида сўнгги йилларда йирик халқроқ мусобақаларда катта ютуқларга эришган Ўзбекистон қаратқиларини мукофотлаш маросими бўлди. Ўзбекистон спортчилари кўни кеча Германиянинг Эрдинг шаҳридан олти олтин, битта қумуш ва олти бронза медал билан қайтиб келишди.

● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоғи халқроқ теннис турнирига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Халқимизнинг севилими санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмоновнинг янги дастурларидан наманганлик муҳлислар ҳам баҳраманд бўлишди. Хонанданинг бир ҳафта давом этган гастроль-концерт сафарини вилоят маркази ва туманларида муваффақиятли ўтди.


● Бухоро вилоятида беш кун давом этган ўзбек миллий фильмлари иккинчи кинофестивали ниҳосига етди.

● Бугун бутун сайёрамизда қуёш тўтилиши кузатилади. Бу ҳодиса барча жойларда турлича вазиетда кечади. Ой соясининг тасмаси жанубий чегараларимиздан 2 минг километр узоқликда ўтганлиги сабабли, бизда қуёш тўла тўтимайди. Хусусан шаҳримизда қуёш тўтилиши соат 15 дан 57 минут ўтганда бошланиб, роппа-роса 18.00 да тугайди.

ЖАҲОНДА

- Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ҳукумат раҳбари Сергей Степановини истеъфога чиқарди. Унинг ўрнига Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори, Хавфсизлик кенгаши котиби Владимир Путиннинг номзоди қўйилди. Ҳозир у вақтинча ҳукуматга раислик қилмоқда.
- Молдовада АҚШ вакиллари билан ҳамкорликда «Новий қалқон-99» ҳарбий машқлари бошланди.
- Испания давлат прокуратураси Чилининг собиқ ҳарбий ҳукмдори генерал Аугусто Пиночетнинг овоз этилишини талаб қилиб чиқди. Айни пайтда генерал Буюқ Британияда ўй қамогига турибди. Суд жараёни эса сентябрь ойида бошланиши керак.
- БМТ экспертларининг хабарига кўра 15 август — Хиндистон мустақиллиги нишонланганидан кўнма мамлакат аҳолиси бир миллиардга етар экан. Айни пайтда Хиндистон аҳоли сони жаҳондан Хитойдан кейин дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.
- Япония Бунд вазирлари Кейдзо Обути Хиросиманинг атом бомбардимони қурбонларини анъанавий хотирлаш маросимида сўзга чиқиб, дунё халқларини ер юзиде ядро қурилини тўла-тўқис тугатишга чакирди. 1945 йилнинг 6 августиде ўз берган бу фожиа туйғули ўн миң киши ҳалок бўлганди.
- Никарагуада Черро Нееро вулкани отилиб чиқа бошлади. Маҳаллий аҳоли хавфли жойни ташлаб кетишга тайёр. Ушбу вулкан мамлакат пойтахти — Манaguaдан 120 километр узоқликда жойлашган.
- Кучли сув тошқини юз бериши туйғули Таиланд ҳукумати мамлакатнинг шарқий қисмидан аҳолини қўчириш тадбирини бошлади.
- Япония ҳарбий денгиз қуларига қарашли уч кема Жаңуэи Корейнинг Пусан бандаргоҳига етиб келди. Бу ерда икки мамлакат ҳарбий денгизчиларининг ҳамкорликдаги машқлари бошланди.
- Кейинги йилларда Словакияда ўқ отар қурол ёрдамида амалга оширилган жиноятлар сони ошиб бормоқда. Жиноятларнинг ўн фоизига яқини ўсимирлар томонидан содир этиляпти.
- Мадриднинг Азор архипелагига қирувчи Сан Мигель оролида икки француз альпинисти ҳалок бўлди. 25 ва 30 ёшдаги бу икки спортчи қонга чиқаятганда чўкүр жарликка қулаб тушди.

ПОРЛАЙВЕР, ВАТАНИМ ИҚБОЛИ — ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ!



«... Маънавият нуқтаи-назаридан қаралганда улкан гурур билан айтишимиз мумкин: буюқ аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюқ, ҳаётбахш кутун эгамиз. Бу борадаги устуналигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган».

Ислом КАРИМОВ

қирлар айнан шу муқаддас тупроқ фарзандлари эканлиги, мамлакатимиз қўллаб-таърихий, мезморчилик обидалари, санъат қошоналари Ватани эканлиги ҳақида гўё ҳеч қим ҳеч нарса билмасди. Имом Бухорий, Исо Муҳаммад имом ат-Термизий, Наҳмиддин Кубро, Хожа Абдуллоҳи Фихруддин, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алоҳидий илми даҳолари қолдирган буюқ маънавий меросимиз тарих қаърига гумдон қилинган, муқаддас зиратгоҳларимиз ер билан яқсон қилиб текислаб ташланар эки турли қишлоқлар билан оёқ ости қилнарди. Қанчадан-қанча тарихий обидаларимиз динга қарши кураш никоби остида

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. Муस्ताқиллик деганда, нима ни тушунасиз? 2. Утган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, сиз яшаётган ҳудудда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватан истиқболи, фарзандлар келажакини қандай тасаввур этасиз? 3. Муस्ताқиллик равнаки учун қандай ҳисса қўяёсиз? Ватанпарварлик ва миллий гурур — бу сизни нималарга даяват этади?

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

«Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш аснода бирор бир ўқув муассасасида бўлиб ўтарди. Собир Раҳимов тумани меҳнат органи ҳамда «Қамолот» ёшлар жамғармаси ўзларининг иш услубларига бироз ўзгаришни киритиб, айнан ёшларни ишга жалб этиши, бундан вақтларини фойдаланишларга сарфлаш борасида биринчи тадбирларни амалга оширишга ўтарди. Улар маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмитаси, солиқ-назорат инспекцияси, ички ишлар бошқармаси ҳамда прокуратура ходимлари билан бамаънаво келди. «Очиқ эшиклар куни»ни ташкил этишди. Бунинг замирида қандай мақсад ётганлиги ҳеч қимса сир эмас. Шундай бўлсада меҳнат органи раҳбари Ойбек Ваиев билан суҳбатлашганимизда, у қуйидагича изох берди.

Бугуннинг қадри

БОБОЛАР МЕРОСИ — БУЮКЛИГИМИЗ АСОСИ

тарихи Октябрь инқилобидан кейин бошланар, ундан олдин гўё ўзбек халқи бўлмагандай эди. Аслида эса, ўзбек давлатчилиги тарихи қарий уч минг йилга бориб тақалади. Хоразмшоҳлар давлати, айниқса буюқ Бобокалонимиз Амир Темур салтанати ҳақида қарийб ҳеч нарса билмасдик. Миннатдор европаликлар ўз халоскорлари деб билган ва унга олтиндан ҳайкал ўрнатган Соҳибқирон бобомизни урта асрнинг қондур, жоҳил ҳукмдорларидан бири сифатида талқин этишарди. Диримиз Маъмур академияси номи билан тарихга кирган жаҳоннинг илк илм-фан марказларидан бири бўлганлиги тўғрисида, буюқ аждодларимиз ал-Хоразмий, ал-Фароний, Абу Али ибн Сино, Беруний, аз-Замашарий каби мутафак-

Бугуннинг қадри

БОБОЛАР МЕРОСИ — БУЮКЛИГИМИЗ АСОСИ

бузиб ташланганига тарих гувоҳи. Айниқса, халқимизнинг буюқ қадриятларидан динимизнинг, диний эътиқодимизнинг таҳрирланishi гоят жоғеали келгани маълум. Суннат ва никоҳ маросимлари у ёқда турсин, ота-она, энг яқин қариндошлари таъзияларда қатнашган қатта-кичик амалдорларнинг қаттиқ жазаоланиши, одамларни зади қилиб қўйганда. «Энди жанозасиз, қафансиз қўйлади» дея афсус-надоматлар билан кўз ёшларини тўққан қариларуни ўз кўзимиз билан курганмиз. Айниқса, жаҳон шеърятининг буюқ даҳоларидан Алишер Навоий ҳазратлари яққалам қилган она тилимизнинг таҳрирланishi, уни фақат маиший турмушда қўлла-

Бугуннинг қадри

БОБОЛАР МЕРОСИ — БУЮКЛИГИМИЗ АСОСИ

қирлар айнан шу муқаддас тупроқ фарзандлари эканлиги, мамлакатимиз қўллаб-таърихий, мезморчилик обидалари, санъат қошоналари Ватани эканлиги ҳақида гўё ҳеч қим ҳеч нарса билмасди. Имом Бухорий, Исо Муҳаммад имом ат-Термизий, Наҳмиддин Кубро, Хожа Абдуллоҳи Фихруддин, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алоҳидий илми даҳолари қолдирган буюқ маънавий меросимиз тарих қаърига гумдон қилинган, муқаддас зиратгоҳларимиз ер билан яқсон қилиб текислаб ташланар эки турли қишлоқлар билан оёқ ости қилнарди. Қанчадан-қанча тарихий обидаларимиз динга қарши кураш никоби остида



Бугуннинг қадри

— Ҳозирги кунда долзарб мавзу ҳисобланган ёшлар муаммоси барчамизнинг эътиборимизда. Шунинг учун ҳам ёшларни ҳар томонлама мукамал, ўз ҳуқуқларини биладиган, маънавияти юксак, спорт билан чиниққан ўқил-қизлар бўлиб етишишларига бошқорув бундан катталари ҳам қарз, ҳам фарз. Аммо ёшларимиз замон талабиди кўришни истайдилару ўз ҳуқуқларини яхши билдиладилар. Қайси соҳага йўналтиришни ва танлаган соҳалари келажак учун қай даражада фойдаланиш эканлигини билишида анча оқиллик қиладилар. Шу боис биз ташкил этган «Очиқ эшиклар куни»да улар хоҳлаган соҳа билан танишадилар, савоълларига жавоб оладилар. Махсус ўтказилган «Очиқ эшиклар куни»да тумандаги 30 та йирик корхона, 57 маҳалла ва барча ташкилот ва муассасалар иштирок этиди. 1500 дан зиёд ўттиз ёшгача бўлган ўқил-қизлар қатнашиб, қўллаб-қўллаган масалага жавоб оладилар. 200 нафар иш унинг ўзиде ишга йўлланма олишга муваффақ бўлишди. Шу ўринда «Қамолот» жамғармаси ёшларини саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни жоиз деб биламан. Яхшиси бу ҳақда жамғарма раиси Акбар Даминов таъриф бера қолсин. — Ёшлар билан ишлашни яхши ташкил этиш,

Қурилиш

ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Шаҳримиздаги қўллаб-қўйилган ўқув муассасалари ва шифо масканлари ҳозирги замон талаби даражасида қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилмоқда. Ана шундай бинолардан бири Ҳамза туманидаги қурилиш лицейидир.



Лицейимизни қайта таъмирлаш борасида туман ҳокимлиги ва бошқа мутаассадди ташкилотларнинг ёрдами катта бўлди. Айниқса қурилиш — бунёд ишларини олиб борган «Чинор» қурилиш фирмаси ҳамда «Умархусултан» трестлари бу борада жад меҳнат қилишди. Олдин ўқитиш ва ишлаб чиқариш хоналарининг товларидан чакка ўтишни, сабабли дарслар кўнгилли даражада ўтилмас эди. Маъна энди таъмирланган бинода янги ўқув йилига пухта ҳозирлик қўриқди, десак янглишимиз, — дейди лицей директори, «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» нишондори Озод Акбаров. — Чунки энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган компьютер хоналари, 34та ўқув хонаси, 4та таърихга ўтказиш ҳамда 19та ишлаб чиқариш устоналари, очик ва ёпиқ спорт майдончаси, 250та ўқувчига мўлжалланган кутубхона ва ошоналаримиз ўқувчиларга мунтазирдир. Бу йил лицейимизда ўқитиш жаравани ҳам бир муна мукамаллаштирилмоқда. 22 нафар ўқитувчи, 28 нафар ишлаб чиқариш устаси қабул қилинадиган 720 нафар ўқил-қизга билим бериладилар. Уларнинг яхши ўқишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар етарли.

Гулбахор МҮМИНОВА.

Саид ВАЛИЙ.

ПОЙТАХТ ЯНАДА ЧАРОФОНЛАШАДИ

Кутлуғ Истиқлолнинг 8 йиллик муборак тўйи нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Пойтахтимизнинг ҳар бир гўшаси — майдон ва ҳибобона, истироҳат ва маданият боғлари, кўчаларимиз ҳадемай байраммола либосга бурканади. Айниқса, шодиёна кўчаларида Тошкентимиз оқшомлари янада файзли, янада тароватли ва чароғон бўлади.

Шаҳримизга ана шундай чароғонликни бахш этиб, байрам ифтихори билан ёнган юракларга нур бағишлаш ниятида пойтахтимиздаги «Тошхазарнур» биришамаси ишчи-хизматчилари тайёргарлик, ишларини пухта ва самарали олиб боришмоқда. Энг аввало, Муस्ताқиллик майдонидеги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ва безаш ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Биришамас нурчилари айни пайтда тиклаш ҳамда созлаш ишларини муваффақият билан амалга оширишмоқда. Улар умумий ҳажми 130 миллион сўмлик иш бажарадилар.

ТАЪМИРЛАНМОҚДА ВА БОШҚА

ция таъмирланмоқда ва бошқа жиҳоз ишлари тез ва соз амалга оширилмоқда. Ушбу йилда кўзда тутилган самарали натижага эришиш мақсадида 200 та янги жиҳоздан фойдаланишни кўзда тутганмиз. Албатта, ниятимиз тантанани банд рўхта ўтказишга ўз муносиб улушимизни қўйиши, дилларга ёруғлик улашидир. Бутун шаҳар байрам кўчаларида нурчилар меҳнатидан янада равшанлашади. Кўчаларимизни 150 мингтадан ортиқ турли рангдаги нурчиқлар безайди, ёритиш ва гўзаллик бахш этади. Албатта, бу ишда бугун хормай тайёргарлик ишларини қизғин олиб бораётган шаҳримиз нурчиларининг муносиб ҳиссалари бўлади. Шарифа ИЛЕСОВА. СУРАТЛАРДА: биришамас бош муҳандиси Алишер Тоғев ва электромонтёр Берат Зухурова топириқ бермоқда; майдон электр нуридан порлайди. Рустам Шарипов олган суратлар.

КЎЙРАКЛИК БАХШ ЭТАДИ

Қайси касб эгаси бўлмасин, айни кўчаларда бир эгзу шитт йўлида меҳнат қилмоқда. У ҳам бўлса жопажон Ўзбекистонимиз Муस्ताқиллигининг 8 йиллиги кенг нишонланадиган кўчаларга ажойиб соғва хозирлаш. Пойтахтимизнинг Матбуотчилар кўчасида кўракам ва саробатли бинони жадал суратларда бунёд этиётган қурувчиларнинг ҳам мақсадлари эгзу — муштуман иморатини Истиқлол байрами кўчаларида фойдаланишга топширишдир.

Ана шундай улғу мақсад йўлида ушбу қурилиш майдонига саратоннинг жазираларини ҳам писанд қилмай 400 нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда. Бинонинг бунёд этишида турли касб эгалари — гишт терувчи, тикловчи, кран ҳайдовчиси, буюқчи, сувоқчи, дурда-

рининг меҳнатларини таъкидлаган ҳолда, пайвандчилар Валерий Юнқов, Камол Абдувалиев, Сергей Писменский, Валера Чанларнинг қилётган меҳнатларини айтиш, албатта лозим. Чунки улар бинонини тиклашда муносиб улуш қўйишмоқда. Айни кўчаларда асосий эътибор пардозлаш ишларига қаратилган. Пардоз ишлари эса бу борада таърифага эга бўлган 20-ҳамда 52-қурилиш бошқармаси пардозловчилари зиммасида. Ишбуши Рўзи Тоғаймуродовнинг айтишича, 2 сменада меҳнат қилётган 20-қурилиш бошқармасининг 74 нафар пардозловчиси сифатга эътибор қаратишган. Улар 5 блокдан иборат бинонинг 1- ва 3-блоклариде ишлашмоқда. Юрий Тарасок ҳамда Алла Давярова бошлиқ буюқчининг маросимда билан ишнинг маросимда олиб бораётган Беркин Турдуқуллов, Малал Тасбауов, Николай Врубелъ бошлиқ бригадалар аъзолари

ТАЪЛИМ МАСКАНИДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАР


Бу кўхна оламда донги оламни тутган забардаст одам ширлар ҳам, донишманд аломалар ҳам, барча-барчаси бир зот олодда таъзим бажо келтириладилар. Бу улғу зот муқаддас аёлдир. Аёти тисолида меҳрибон ва мушфиқ она, дилбар ва сувоқчи ёр, жажжигина қизалоқ, хурмат ва эҳтиромга лойиқ зот акс этади. Муस्ताқиллигимиз шарофати билан Ўртобшимиз Ислом Каримов 1999 йили Аёллар йили деб эълон қилдилар. Аёлларга бўлган қатта эътибор, хурмат Ўртобшимиз назарларидан четда қолмади. Юртимизда аёлларни ҳимоя қилиш борасида бир қанча ишлар олиб боришмоқда, қўнғина хотин-қизлар ташкилотларини ташкил этишди. Шу жумладан, Тошкент Давлат педагогика университети мактабона тарбия бўлими хотин-қизлар кўмитасида ҳам бу йўналишда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг хотин-қизлар кўмитасининг раиси Мунасир она Нурматова билан суҳбатимиз ҳам шу ҳусусда бўлди.

— Сиз раҳбарлик қилётган хотин-қизлар кўмитасида Муस्ताқиллик байрамига бағишлангандай ишлар олиб боришмоқда? — Шу йили университетимизда факультетларарас Аёл борки — олам мунавва кўриқ-танловини ўтказди. Бу танловда бизнинг мактабга тарбия бўлими фахрли эгини олди. Бундан таъари «Изгиниздан устозлар деб номланган қизқарлик» тибр ташкил қилиб, унда захарчилар билан учрадик. «Аёл — оила гултожи», «Аёлларни асран» каби биқанча ибратли кечалар ҳе ўтказдик. Бу йил ташкил қилган энг катта тадбирлардан бири, бу — «Соғлом лод учун» анжумани бўлди/нга Педиатрия институтинг профессори ўқитувчари таширф бюришчи, қизармиш билан ошқора дисуҳбати ўтказишди, улар киэиктирган саволларга звор қайтардилар. Институтимизда «Қизлар клуби»ни ташкилдик ва унинг раислигини мактабга тарбия бўлими-курс талабаси Д. Зарибова сайланди. Бу ишларнинг барчаси Муस्ताқиллик баъми арасида тарбия бўлими билан биргаликда олиб зриладиганлиги бизнинг нугимишдир.

— Мазлумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг Аёллар йилига бағишланган оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг

роли юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Шу қарор юзасидан фикрингизни баён этсангиз? — Аёлларнинг ҳаётда тутган ўрни, давлат ва жамият ишларига қўшаётган ҳиссалари жуда улкандир. Оила йилида амалга оширишга улгурмаган ишларни рўёбга қарши ҳамда аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ушбу қарорнинг асосий вазифасидир биз ҳисобланади. У қизларнинг маънавий тарбиясига эътибор бериш, шаъни-иффатини сақлаш, келажакда орномусли уй бекаси, лобар аёл сифатида тарбиялашимиз учун асосий нағиз вазифасини ўтамоқда.

— Дилафруз АКМАДОВА суҳбатлади.



ДИЛЛАШУВ ҚОҒОЗ КЎКСИДАГИ ҲАРОРАТ

Санъат гўзалликни танитади, гўзалликни севдиради: ҳаловатингни олади-ю ҳаловат сари етаклайди. Санъат одамлар кўнглига эзгулик уруғини экиши-ю ёмонликнинг ҳар қандай кўришига қарши мурасасизлиги билан инсоний ва боқийдир. Санъатнинг бундай қурашчанлик фазилати ибтидоий санъатдан то ҳозирга қадар сақланди ва ривожланиб келмоқда.
Истеъдодли мусаввир, Давлат мукофоти соҳиби Марат Содиқов графикалари табиий ва маъноли. Кўпгина чизмалар, манзаралар гўзаллиги ва кўйчанлиги билан ҳайратангиздир. Уларда рассом табиат ўзгаришларини, инсон қиёфаси, психологик ҳолатини оддий қалам ва акварель орқали бера олган.


— Марат ака, яқинда Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида шахсий кўргазмангиз бўлди. «Оналик», «Куттиш», «Чўпон», «Куз», «Лабӣ ҳовуз», «Бухоро» триптихи каби асарларингиз томошабинларни ўзига хослиги билан мафтун этди. Кўргазмадан кейин қандай таассуротлар оғушидасиз?
— Кўргазмада турли йилларда яратилган элликдан ортиқ асарларим намойиш этилди. Утмиш билан ҳозирги кундалик ҳаётни санъат орқали англаш ва уни асарларимда акс эттириш ижодимда асосий ўринни эгаллайди. Жуда кўп юртларда бўлдим, кўп нарсаларни кўрдим, лекин она юртим Ўзбекистондек, унинг меҳнаткаш одамлари, табиати, жаннатмонанд боғлари, булутларга туташ тоғларидек юрт дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ.
Мен мавзунинг оддий нарсалардан, кундалик турмуш ташвишларидан ахтараман. Хамиша оддий кишилар, оддий нарсалардан илҳом оламан, шулар ҳаёли билан яшайман ва юрак кўрими билан ифода этишга интиланман. Кўргазмадан сўнг юрагимда ижодга ташналик янада кучайди.

— Сизнинг энг салмоқли биринчи асарингиз мейбўёқда ишланган «Бухоро» триптихи (1973 й.) эди. Сиз бу асарда болалик ва ўсмирлик чоғларида бўл ва раанг-баранг таассуротларни умумлаштириб тасвирлагансиз.
— Бухоро шаҳри манзарасини жуда кўп рассомлар мўйқаламда ифода этганлар. Айрим рассомлар бу қадимий шаҳар — музейнинг этнографик жиҳатдан қандай бўлса шундайлигига тасвирлаган. Айрим рассомларнинг суратидаги кўчалар, ёдгорликлар ва шаҳар майдонлари фақат замонавий турмуш ёки тарихий воқеалар учун «кўприк» хизматини ўтаган. Мусаввирлардан К. Петров — Водкин ва П. Кузнецов Шарқдаги кўна шаҳарнинг такрорланмас, ниҳоятда индивидуал қиёфасини рассом қалби билан қайта ҳис қилиб, умумлаштириб, санъаткорона тасвирлаб берганлар. Мен уларнинг картиналаридан руҳландим, илҳомландим.
Мен болалик пайтларимдаёқ баланд миноранинг устига чиқиб олиб пастда чўзилиб кетган шаҳарга термилганча, унинг хуснига маҳли бўлиб қолардим. Мадраша ва мачитларнинг мовий пештоқлари, паҳса уйлар силсиласини узиб-узиб турувчи тор, эгри-бугри кўчалар, чумоли уясидек бозор

майдонлари, ложувард ховузлар, шаҳарни олтинсимон дошиядек ўраб олган қалъа ҳоворларининг қолдиқлари ўзларининг ранг-баранглиги ва жимжимадорлиги, хилма-хил меъморий шакллarning бир бутунлиги қалбимни сеҳрлаб қўйганди. Шунинг учун асарга диққат билан назар ташласангиз, гўё осмондан шарҳага назар солганимни пайқарсиз.
— Бутун ижодий фаолият йилларингизда нечта асар чизгансиз ва кўнглингизга энг ёқадиган асарингиз? Баъзан санъаткорлар билан суҳбатлашганимизда, ҳамма ролларини фарзандларимдек яхши кўраман дейишадими.
— Узок йиллик мусаввирлик фаолиятимда мингдан кўпроқ суҳбатлар чиздим. Лекин уларнинг ичида «Бухоро аёллари» асаримни кўпроқ ёқтираман. Балким бу ҳолат онам Бухорода яшагани учундир, яна ким билади дейсиз?!

— Жуда кўп машхур рассомлар асосан мейбўёқда ишлайдилар. Нима учун Сиз акварелни танлагансиз?
— Ҳар бир одамнинг ўзлиги, ўзиники бўлиши керак. Кимдир мейбўёқда, кимдир акварелда ишлайди. Акварелнинг ўзига хос техникаси бор. Бу жуда қийин техника. Шунинг учун ҳам кўпчилик бу ишни эпилмайди. Мейбўёқ

да ишлаш мен учун жуда осон. Бундан ташқари мейбўёқда ишласангиз бир асарни ойлари мобайнида бойитиб боришингиз мумкин. Сувбўёқда эса шитоб билан ишлаб, бир ўтиришдан тугатишингиз мумкин. Мен баъзан ун соатлаб ҳам ишлайман, ахир инсонга берилган умр жуда қисқа, қилолмаган ишларим эса шунчалар кўпки, уларни бажариш учун фақат шошилиш керак.
— Негадир мен рассомларни тинчлик элчилари деб атагим келади. Чунки улар турли юртларда бўлиб, ўз асарлари кўргазмаларини ўтказадилар. Бу асарлар хоҳ манзара бўлсин, хоҳ портрет, бари азиз она-диримиз ҳақидаги бир қўшиқдай, назаримда.
— Тўғри, асарларим фақат республикамиздагина эмас, балки кўплаб хорижий мамлакатларда намойиш этилган, 20 дан кўпроқ шахсий кўргазма ўтказилган. АКШ, Италия, Германия, Япония, Англия, Австрия, Исроил каби давлатлардаги музейлар ва шахсий галереяларда асарларим сақланади. Уларнинг ҳаммаси мана шу мусаффо осмонли Ўзбекистонни кўйлайди, улардан юртимиз нафаси уфуриб туради.



СУРАТЛАРДА: мусаввир Марат Содиқов асарларидан намуналар. Владимир Гранкин олган суратлар.

Шарқ гурдонлари ОЗ-ОЗ ўртаниб Домо бўлур...

◆ ХИКОЯТ. Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир кун эрталаб овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товукқа кўзи тушиб қолди. Уни туташга бел боғлади. Шу пайт унинг қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўгон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштаҳаси аланга олди. Уша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очқўзлиги туфайли бу ноғора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол таъсирида дарахт шоҳлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан кўйиб надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эсиз, бу ҳаводан ишган нарсани деб ҳалол сайдимни кўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўгон гавдадан ҳеч манфаат етмайди!» Қиъта:

*Ноғора даранглар тинимсиз вале,
Ичи бўшдир, бундан нима фойда бор?
Ақлинг бўлса ишинг тагини ўйла,
Ялтироқ ташига қилма эътибор!*
◆ Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари хийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулойим қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тадбир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:
*Душман иши аввал ҳийла-ю найранг,
Сўнг ҳужум бошайди қилади саранг.
Бу селнинг йўллари тўсилмас гар,
Қўллар беҳисоб фитна-ю зарар.
Фитна йўлини бузув тўсмасанг маҳкам,
Эртага қуяяр бўлиб мустаҳкам!*
Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

◆ Айтадилар:
— Ақли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлғончи, кўрқок, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

*Ҳар киши ўз ақлидан оғоҳ бўлар,
Ўздан гувроҳлиги гувроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди:
Ҳар киши ўз душманини кучисиз сапар,
Бир кун кучли зиётидан ёнар!
Ҳасадчи эса бор-шудиндан ажралишингни истаёди:
Ким ҳасад қилса бировнинг молига,
Охири бўлмай анинг вой ҳолига!
Ёлғончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:
Кимки ёлғон сўзласа ризқи кетар,
Бир кун ёлғон сўзи бошга етар!
Кўрқок эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга ҳарисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:
Молу ҳолинг аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг неча раишан эрур!
Нафсига берилган киши хою-ҳавасининг асири бўлиб нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:
Меҳнатинг бирла нафсга бер жазо,
Қилмасин токи балога мубтало!*

Мухаммад ЗЕХНИЙ.
◆ Айтишларича, гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Қўстантани шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймас эди. Унинг ёнида ёшлитги тушди. У болалик пайтида мактабга бароркан, йўл четиде жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилик олдига борди ва уларга деди:
— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча охбардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йигди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабача эришган пайтида барча ёш қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўргатишга фармон берди.
Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

◆ ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:
*Дунёнинг қарори илм биландир,
Илмисз кишига ўқидир эътибор.*
Бир кун муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамайди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:
*Ҳар инсон илмдан тополса баҳра,
Иши ўқши ила саволу жаваб!*
Онаси муаллимдан: «Билломдингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Биллишмича, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшук юзига ҳайронга ўхшайди:
*Ўзи меҳнатга ожизу боши савдога лиқ тўла,
Бугун эртанинг фикри ҳақида ўйламас асло!*
Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу хижрондан гапиради, агар мен ҳалолу ҳаромдан ҳиқо қилсам у зулф ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Иш қўчасида юришини оқибати саломатлик бўлмас ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошққ бўлиши ихтиёрий эмасдир!» Байт:

*Домга тушган ночор қўшининг ҳолини,
Озод юрган бургут билмас ҳеч қачон.
Қафасдаги бўлбу нолишин эса,
Ёр-ла юрган каптар сезмас беузмон.*
Уни озоқ қил! Ишқда шундай хосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва хушёр қилади! Байт!
*Ҳар кимсаннинг боғи ила бўстонлари бўлса ҳам,
Хушуд эмасдир ҳаргиз унда ёри бўлмас.*
*Кўнгла бермоқ бирова, ҳаётини ўзи шудир,
Жонсиз суваратдир кимнинг гулдори бўлмас.*
Мажиддин ХАВОФИЙ.
Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Шунақаси ҳам бўлади

АЗИЗЛАР, СИЗ АЛДАНМАНГ

Бозор муносабатида тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва тижорат ривож топиб ўзаро эзгу ниятда қилинган ижобий рақобат асосида халқ истеъмоли маҳсулотларини кўпайтириш, сифатини кўтариш, таннархни арзонлаштириш асос қилиб олиниб, унинг замирида халқнинг ҳаёт тарзини кўтариш, Ватан равақига ҳисса қўшишдек олиш мақсад этади. Шундай экан, бундай пайтда ўз шахсий манфаатини кўзлаб халқни алдаш йўли билан осонгина ўз эҳтиёжини ортиқчаси билан қондириш йўлини тутаетган «тадбиркор»ларнинг бўлиши, ўйлашманки кечирилмас ҳолдир.

Тарозидан уриб қолиш, тароз тошларининг вазнини камайтириб қўйиб иш юритаётган қўштирнок ичигади тадбиркору тижоратчилар тўғрисида кўп сўз юритилди. Ўз ўрнида айтиш керакки, бундай ишлар билан шуғулланганларнинг кўпчилиги қилмишларига яраша жавоб ҳам бердилар. Шунга қарамадан алдам-қалдам ишлар билан осонгина пул топиш, бойлик орттириш нақадар гуноҳ эканлиги, ҳаттоки Аллоҳ томонидан кечирилмаслиги қанчалик уқтирилмасин хом сут эмган банди бири бўлмаса бири бундай ишларга яна кўл ураверар эканда. Дейлик яқингинада қорамурча кум аралаштириб қадоқлашни қўйиллатган «тадбиркорлар»га ҳалол топишдан пулни ўзимиз бой бердик. Дўконларда пахта мойининг литрини килога ўтказиш-ку одат тусига кириб қолди. Бундай ишлар билан шуғулланганларга нима дейиш керак, бундай «тадбиркорликка» кўл урган Аллоҳнинг бандаси виждонан қийналмасмикан?


Пурқаб ишлатиладиган турли-туман нархи осмонда бўлган суварак қушандаларини кўпчилик оилаларнинг олиб ишлатишга қурбонлиги етмайди. Унинг ўрнига бозорларимизда тижоратчилар томонидан сотилаётган «бўрқалалар» қулайлиги ва ҳар ҳолда арзонроқ тушиши билан кишининг диққатини тортади, аммо лекин:
— Мана келинг, буни суртиб чиқиб эртага суваракларни бир хонқандоз қилиб сугуриб ола берасиз, — деган одам бармоқ титлаб қолиши ҳеч га эмас. Чунки эҳтиётлаб чиroyли қилиб елим халтага ўраб қўйилган суварак қушандасининг ўқувчилар синф тахтасига ёзадиган оддий бўрдан фарқи йўқдек, ким билмас, балки шундайдир. Шунга ўхшаш «тадбиркорлар»нинг қармоғига кунчи кеча яна бир бор илиндик. Улар одамни илондек авраб қўйганларини гоҳ билмай қоласан ҳам.

Эшик кўнгиرويго чалинди, йўлакдаги уч қўшни баравар эшик очибмиз. Уттиз-уттиз беш ёш атрофидаги бир рус аёли қўлидаги кичкина елим халтадаги унга ўхшаш кукунчи кўз-кўз қилиб моҳирлик билан мақтай кетди.
— Халтача очилмасга уч йилгача қуватини йўқотмайдиган бу суваракка қарши оғу ҳозир пол зилларига оз-оздан севиб чиқилса, икки кун ичида жонсиз суваракларни сугуриб ташлаб ярим йил мобайнида суварак нима билмайсиз, кўрмайсиз, — деди.

— Қандай яхши-я, — деди қўшни аёллардан бири.
— Неча пул экан, — деди иккинчи аёл.
— Бор-йўғи 50 сўм, киммат эмас. Фирмаимиз фақат миннатдорчиликка сазовор бўляпти билсангиз.
Бу сўзлардан маҳлиб бўлган қўшнлар менимча икки кундан кейин уйларини сувараксиз кўра олдилар шекилли икки халтачадан олишди.
Мен «Бирор-бир исботловчи ҳужжат кўрсата оласизми?» дедим.
— Бўлмасам-чи, — дея сумкасини кавлай туриб, — афсус шошилишда олишни унутибман, — деди.
Келин «биз ҳам олайлик», — деди. Биласизми, кишининг сазаси улгандан кўра ҳўкиннинг шохи сингани маъжул. Икки халтачасига биз ҳам 100 сўм тўладик.
Мана ун кун бўлди сувараклар хатто кундузи ҳам изғиб юришибди, биз гўё уларни емиш билан сийладик.
Ҳа, азизлар, 100 сўм бериб қаллоб тадбиркорнинг эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшган бўлсак, истеъмолимиздаги унга ўхшаш кукунчи сочиб қўйиб зарарқанда суваракнинг яшашига, қўпайишига имкон яратиб бердик.
Азизлар, биз-ку адашдик, агар эшик кўнгиرويго чалиниб сизга ҳам тавсия қилинса, зинҳор-базинҳор ола кўрманг, алданманг.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.

Самога сочилган юлдузлар



ХОТИРАНГ ДИЛЛАРДА МАНГУ, «ПАХТАКОР-79»

Умрни оқар сувга қиёслайдилар. Дарҳақиқат, бугун республикамизда учун севилими бўлган «Пахтакор» жамоасининг авиация ҳалокатига учраб, мард ўғлонларнинг ҳаётдан қўз юмганларига ҳам йигирма йил тўлибди. Ҳалокат тафсилотларини халқимизнинг ўшбу машъум хабарни қандай қабул қилганлиги эса ҳақмон кечагидай ёдимда.
...Ушанда касалхонада даволанаётган дўстимнинг ҳолидан хабар олиш учун боргандим. Уша ерда нога «Эшитдингларми, «Пахтакор» жамоамиз авиация ҳалокатига учраб, самодда портлаб кетибди, шу ҳақда кеча «Америка овози» радиостанциясидан хабар беришди» деган мишмишнинг эшитишим гўё устимдан бир челак совуқ сув қуйиб юборишгандай жуда нохуш ахволга тушдим. Шу кунчи кечаси кўзимга уйқу келмади.

Эртасига ҳақиқатнинг тағига етиш мақсадида республика спорт кўмитасига бордик. «Пахтакор»нинг ҳақиқатан ҳам халқимиз қалб тўридан мустаҳкам ўрин олганига шу кунчи очик тан бердим — кўмитага оқиб келаётган халқнинг поёни йўқ, юзлаб, минглаб кишилар бу ерга келиб, бир-бирлари билан дардлашишар, марҳум футболчиларнинг хислатларини ёдга олишар, деярли барчанингни кўзларида ёш эди. Аниқ маълумот бўлмаганлиги сабабли эртасига, индингига ҳам бу хол давом этди.
Самога сочилган юлдузлар янглиғ марҳум чарм тўп усталаримизнинг нима учун бунчалик ҳурматга сазовор бўлганликларини ойдинлаштириш учун эса

ўтмишга бироз назар ташлашга тўғри келади.
«Пахтакор» жамоамиз тарихида буюк кўтарилишлар икки бор ўз берган. Дастлаб, таркибиде Э.Абдураимов, Г.Красницкий, И.Тазетдинов, Х.Раҳматуллаев, В.Тожиров, С.Стадник, О.Моторин, А.Азизхўжаев, В.Суюнов, Ю.Пшеничников каби ўзбек футболнинг фахри ҳисобланган футболчилар тўп сурган жамоамиз 1962 йилда собиқ Иттифок чемпионатида фахрли 6-ўринни эгаллаган, команда ўйини барчанинг тилади дoston эди. Сўнг авлодлар алмашинуви ўзи бериб, 1973-74 йиллардан бошлаб ёш, умидли футболчилар хисобига жамоанинг янги таркиби шаклланди. Командага бирин-кетин М.Ан, В.Хадзи-паногис, В.Фёдоров, С.Покатилов, О.Аширов, В.Чуркин, К.Баканов, А.Корченков каби иқтидорли футболчилар қабул қилинди. 1975 йилда Кубок эгалари Кубог, суперкубоқлар соҳиби бўлиб, бутун Европани титратган, Иттифок чемпиони бўлган Киевнинг «Динамо» командасини 5:0 ва 1:0 ҳисобида енгган жамоа ҳам ўша тобора маҳоратга тўлиб, ўсиб келаётган «Пахтакор» эди.

«Пахтакор», айниқса 1979 йилги мавсумни кўтаринки кайфиятда жуда яхши бошлади. Зеро, жамоанинг мўшар, марҳум футболчиларнинг хислатларини ёдга олишар, деярли барчанингни кўзларида ёш эди. Аниқ маълумот бўлмаганлиги сабабли эртасига, индингига ҳам бу хол давом этди.
Самога сочилган юлдузлар янглиғ марҳум чарм тўп усталаримизнинг нима учун бунчалик ҳурматга сазовор бўлганликларини ойдинлаштириш учун эса

Тақдир тақозоси деганларидай охириги тўрт ўйиннинг барчасида галаба қозониб, медаллар сари жиддий кураш бошлаган жамоамизга қўз тегиб, 11 август кунини Минскка учиб кетаётган футболчиларимиз ўрин олган самолёт Днепродзержинск яқинида ҳалокатга учради. Бошқа йўловчилар қатори шу кунини О.Аширов, М.Ан, Р.Агашев, К.Баканов, С.Бозоров, Ю.Загуменний, Ш.Эшбўтаев, А.Корчёнов, Н.Куликов, В.Фёдоров, В.Чуркин, В.Макаров, С.Покатилов ва В.Со-бинов каби футболчилар, мураббий И.Тазетдинов, маъмур М.Толбожонов ва жамоа шифокори В.Чумаковлар мангуликка дахлдор бўлишди.
Айниқ, куч-маҳоратга тўлган чоғларида ҳаётдан қўз юмган пахтакорчиларни хотирлар эканми; уларнинг энг яхши хислатлари, ўзига хос маҳоратлари кино тасмасидаги каби кўз ўнгимизда намoён бўлаверди.
Жамоа ўйинини моҳирона бошқарувчи диспетчер, команда сардори Михаил Аннинг маҳоратига ҳатто хорижда ҳам тан беришган эди. У сардорлик қилган Иттифок ёшлар терма жамоаси 1976 йилда Европа чемпиони бўлган эди, Михаилнинг 30-40 метрларга аниқ тўп оширишларини қўйилмакком жарима ҳамда бурчак тўллари кўп марта «Пахтакор»га галаба келтирган.
Катта тезлик билан рақиблар жарима майдончасига ёриб кириб гол киритишда тенги йўқ Владимир Фёдоров «Пахтакор»нинг энг сеvimли ўйинчиларидан эди. Футболдаги дастлабки қадамларини «Чарм тўп» мусобақаларидан бошлаган Володя кейинчалик босқичма-босқич ўсмирлар, ёшлар, олимпия ва мамлакат

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТДА: «Пахтакор» тарихидаги энг кучли жамоа. Сурат 1979 йил баҳориде олинган.

Республикамиз учун ким ошди савдолари янглик бўлмаса-да, бироқ ундалик кўп ўтказилмайдди. Шахримизда пойтахт савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан яқинда ташкил этилган ким ошди савдосида эса энг оммавий, дам олиш ва савдо-сотиқ яхши йўлга қўйилган — Тошкент «Арбати» бўлиши Сайилгоҳ кўчаси ҳудудининг бир қисмига каттагина пул эвазига эгаллик қилиш ҳуқуқи... қўйилди.

САЙИЛГОҲ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Сайилгоҳ кўчаси оддий боғдорчилик бўлиб қолмайди, унинг ҳамшаҳарларимиз маданий ҳордиқ чиқарадиган жой сифатидаги ўз йўналиши сақлаиб қолишига кафе-латлар борми, деган савдоларнинг туғилиши табиий. Дарҳақиқат, Сайилгоҳ, бу — нафақат шаҳримиз марказидаги ягона пиёдалар юради-ган кўча, балки у ҳамшаҳарларимиз ўртасида ҳам, пойтахт меҳмонлари ўртасида ҳам бемалол бўш вақтни мазмунли ўтказиб дам оладиган, кўнгуллар уйинларнинг томошабини ва иштирокчиси бўладиган, енгил тамадди қилиб, керакли нарзаларни сотиб олиш мумкин бўлган ҳудуд сифатида ном қозонган. Ушбу анъаналарни давом эттириш мақсадида, бироқ аввалгидай ҳар ким ўз столи ва маҳсулотларини хоҳлаган жойига қўймасдан тартибни равишдан савдо-сотиқни ташкил этиш учун «Сайилгоҳ» шўба корхонаси савдонинг ҳар бири билан шартнома тузди ва ундан томонларнинг барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ўрин олган. Жумладан, фойдаланувчи фақат шўба корхонаси билан ол-

да қолдирди — фойдаланиш ҳуқуқи билан сотилаётган барча 50 та жой қисқа вақт ичида ўз эгаларини топди. Ҳар бир жойнинг дастлабки нархлари 15 миңдан 100 миңгача бўлган бўлса, улар 3—4, баъзилари эса 5—6 баробар юқори қийматда сотилди. Натижада маҳаллий бюджетга саккиз миллион сўмга яқин пул тушди.

Албатта, ким ошди савдонинг ҳар бир қатнашчиси ва голиби барча харажатлар қопланганини аввалдан кўзда тутилган, бинобарин, бу ерда тасодифий кишилар бўлмасдан иштирокчи, бизнес қонун-қоидаларини яхши тушунадиган жисмоний ва юридик шахслар йиғилди. Бироқ нима бўлганда ҳам, ҳар бир қатнашчи ўз хамёнига қараб ҳаракат қилди ва кимгадир бу гал омад қилиб боқмаган бўлса, кейинги савдоларда албатта иши юришиб кетиши мумкин. Уни эса Мустақиллик байрами арафасида ташкил этишни режалаштирарми. Кейинги ким ошди савдосида «Боғи Эрам» ва «Юнусобод» бозоридида жойлар фойдаланиш ҳуқуқи билан қўйилади.

Ўз муҳбиримиз.

Хушxabар

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» — НЬЮ-ЙОРҚДА

Мустақиллик байрами тантаналари нишонланаётган кунлар арафасида республикамиз бўйлаб яна бир хушxabар тарқалди. Бу яқинда Америка Қўшма Штатларининг марказий шаҳарларидан бири Нью-Йорқда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесаси премьераси бўлиб ўтганлиги ҳақидаги хабардир. Оқиғани айтганда, ўзбек адабининг асари океан орти соҳнаси юзини кўриши албатта бу мустақиллик шарофати, жонбажон Ватанимизнинг жаҳонга тобора танилиб бораётганлигининг ёрқин белгисидир.

Узоққа бориб нима қиламиз. Ахир бундан саккиз йил муқаддам Ўзбекистонимизни қайси чет эл мамлақати танир эди-ю бизнинг қадамимиз қарга етиб борарди. Эндиликда бу ҳақда ўйлашнинг ўзи қулғили. Чунки ўша мустақил тузум даври бизни чегаралаб қўйган, қолаверса, маданий ҳаётда миллий асар ёзиб, унинг замирида катта бир гоёни ифода этиш жуда мушкул вазифа эди. Лекин озод тузум ва эркинликка чанқоқ ёзувчиларимиз бу оғир вазифани озми-кўпми даражада асар қобилига ўраб унинг моҳиятига сингдириш йўли билан виждоний бурчларини бажаришга ҳаракат қилишарди.

«Келинлар қўзғолони»да бу вазифа жуда усталик билан бажарилганлигининг ғувоҳи бўламиз. Пьесада 15 киши иштирок этади. Фармонбоби, 7 ўғил ва 7 келин. Бу 15 киши ўша пайтда собиқ совет иттифоқидаги 15 республиканинг раамий ифодасини англатади. Фармонбоби эса мустақил Русия тисмоли эди. Мана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак келинларнинг қўзғолон кўтаришдан мақсадини зукко ўқувчи тезда илға олади. Ахир ўзимиз алоҳида яшайлик, қозон осайлик, рўзгоримиз бўлак бўлсин, дейишнинг ўзи бизга эркинлик, мустақиллик бер дейиш билан баробар эмасми? Лекин пьесадаги қулғи, ҳажвлар бу гоёни яшириб туради.

Хуллас, асар ўша вақтдаёқ халқ кўнглидан чуқур жой олди. Шунинг учун у Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, умуман Ўрта Осиё республикаларининг барча академик театрларида ўйналди. Шунингдек, пьеса Хитойнинг Шинжонг вилоятида Урумчи шаҳрида ҳам қўйилди. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев «Келинлар қўзғолони»ни Лаос Республикаси театрида сахналаштириб, пьесанинг шухратини ушбу мамлақатга кенг ёйиб қолди. Шундан кейин бу асар Грузияда, Жанубий Осетияда ва жуда кўп Кавказ республикалари театларида сахналаштирилди. Мана энди уни америкаликлар эўр қизиқиб ва мамнуният билан томоша қилмоқдалар.

Машҳур адабимизнинг шу пьесаси Исроил ва Канада театрлари бўйлаб сафарга чиқишини эшитиб кўнглимиз янада тоғдек кўтарилди. Ахир асарларимиз қанчалик кўп жаҳон юзини қўрсатса, ўзбекининг шухратини шунчалик кенг ёйилаверади-да.

Махмуд ОРИПОВ.



Мен дамлаган чойнинг мазаси яхши эканми, бувижон. Р. Шарипов олган сурат-лавҳа.

Шахмат


УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Ўтган кунни Қибрай шаҳарчасида ўзига хос шахмат байрами бошланди — ишга тушганига эндигина бир йил бўлаётган «Шоҳруҳ» шахмат клуби туман ҳокимлиги ва республика шахмат федерацияси қўмағида республикамизнинг илк чемпиони, устоз ва мутасадди Азимддин Ҳўжаев турнир сарига бағишланган аъзамвий 23-халқаро турнир иштирокчиларини ўз бағрига олди.

Бу ўзига хос шахмат маҳорати мактаби вазиносини ўтаб келаётган халқаро турнирлар ҳақида баъзи маълумотлар келтирсак ортинчалик қилмас.

Уларнинг дастлабкини 1972 йили Азимддин Ҳўжаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган бўлиб, унда собиқ Иттифоқнинг кўпгина шаҳарларидан гроссмейстер ва мастерлар иштирок этган, мусобақа ўз нуфузига қўра жаҳон шахмат нашрларида ўрнини тоған эди. Бу хайрли тадбирнинг ташаббускори ва доимий бош ҳаками бўлиб келаётганимдан фахрланаман, албатта. Хотира турнирларида тобланган бир гуруҳ салоҳиятли ёшларимиз орасидан бирин-кетин спорт усталари етишиб чиқа бошлаган бўлса, бошқа юртлардан ташриф буюрганлар учун ҳам бу турнирлар юксакликка кўтарилиш борасида ўзига хос пиллаполийлик хизматини ўтади. Камина каламига мансуб рус тилида чоп этилган икита китобда хотира турнирларида ўйнаган энг яхши партиялар жамланганиги туфайли улар жуда кўп мамлақатларга тарқалиб, ўзбек шахматчилари ижодини тарғиб этишга хизмат қилди. Турнирларнинг аксариятига «Ўзбекистон физкультурчиси» (хोजирги «Спортнинг салафи») ҳомийлик қилганларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бир неча йиллик танаффусдан сўнг қатор турнирларнинг қайта шаклланиши айни мўлдо бўлди. Улар алоҳида ёш шахматчиларимизнинг ўзаро мулоқоти учун қўл келмакда. Иштирокчилар ўртасида чек ташланди. Улар орасида ўзимизникилардан ташкари Қозоғистон ва Қирғизистоннинг бир неча вилоятларидан келган меҳмонлар ҳам бор. Турнир низомига қўра мусобақалар швейцария усулида ўтказилар экан, ҳар бир учрашувдан сўнг мавқелари турлича гуруҳлар юзга келиши мукар-



Юрши оқлардан. Сиз қандай ўйнардигиз?

р. Жами тўққиз тур давомида пешқадамлар бир неча мартадан ўзагириб, янгилиниб бориши, пировардида асаби бакуватлар юқори поғоналарни эгаллашлари турган гап.

Шартга қўра дастлабки 36 юршини қилиш учун рақибларнинг ҳар бирига бир ўрин соатдан вақт берилди. Шу орада ўйин тугамасга ўйинчиларга яна бир соатдан вақт ажратилиб, улар учрашувни шу орада бир еқли қилишлари шарт.

Мусобақалар тегишли савияда ўтиши учун барча зарур шарт-шароитлар мўжайиб. «Шоҳруҳ» клуби байрамдагидек безатилган, тартибга келтирилган. Мутасаддилар таъсис этган қўлаб совринлар 10 кундан сўнг эгаларини топади.

Мамажон МУХИДДИНОВ,
турнир бош ҳаками, халқаро арбитр.

Фарбий Германиянинг Бёблинген шаҳридаги чорраҳалардан бирига ўрнатилган бу светфор «Экологик светфор» деб аталади. Тўғри-да, у фақат ҳаракат хавфсизлиги ҳақидагина эмас, балки ҳавонинг тозаллиги ҳусусида ҳам гамхўрлик қилади. Автомобиллар учун қизил чироқ ёнганда, унинг «моторни ўчира» деган ёзув ҳам пайдо бўлади. Яшил чироқ ёнишига 20 секунд қолганида ёзув ўчади, зеро бу вақтда чорраҳага етиб келган ҳайдовчиларнинг машина моторини ўчиришларига ҳожат қолмайди. Кейин яшил чироқ

«Ишонч телефони» хизматингизда

БИРИНИ ЭШИТИБ СЎЮНАСИЗ, БОШҚАСИГА ЭСА КЎЙИНАСИЗ

Мамлақатимизда халқимизга хурлик ва озодликни олиб келган қутлуғ байрам — Мустақилликнинг 8 йиллиги кенг нишонланадиган кун ҳам тобора яқинлашмоқда. Ҳа, улуғ кун тадбириги ҳамшаҳарларимиз қалбига ҳам ўзгача гурур, фахр, ифтихор туйғуларини солмоқда, ҳар ким ани шу санага муносиб ўлаш қўйиши ниятида меҳнат қилмоқда. Тахририятимизнинг «Ишонч телефони»га кўнгулроқ қилаётган жуда кўлаб мухлисларимиз Мустақилликнинг ўзлари тақдирдаги, ҳаётини яшатишдаги, аҳамияти ҳусусида тўққиллашиб гапирмоқдалар. Албатта, бундай қайнок дил сўзлари бизни ниҳоятда тўққиллантиради. Аммо шу билан бирга шахримиз ҳаётида, маҳалаларда, турмуш чорраҳаларида ўчраб турадиган айрим инсон ва камчиликлар ҳақида сўхалдан кўйиниб айтилаётган саволлар бизни бефарқ қолдирмайди. Қандай қилиб уларга ёрдам бериш, мушкулларини осонлаштириш борасида чора-тадбирлар топишга ҳамиша ҳаракат қиламиз. Шу боисданми «Ишонч телефони»нинг кўнгулроқлари нафақат пайшанба кунлари, балки ҳар кунни жириглаётмир.

«Ушбу йил оиламиз ҳаётида ўчмас из қолдирди, — дейди пойтахтимизнинг Чимкент кўчаси 1-ўй, 17-хонада яшовчи Сайёра опа Ҳошимова. — Неварам Пўлатжон Англиядаги жаҳон тиллари мактабида тахсил олиб қайтди. 104 ёшли онам Фотима Умрзоқовага Президентимиз Ислам Каримовнинг совғалари топирилди. Улар ҳар кун дуога қўл очар эканлар, «Мустақилликдан, Президентимиздан айланай, шу кунларга етказганига шўқр» дейдилар. Менимча, бу барча эзгу ниятли юрдушларимизнинг истаги. Шу боис ҳам озгина кийинчилардан эсанқирамай, мустақилликимизни асрайлик».

«Тошкентнинг чиройини кўриб яшанба кетаман, — дейди фэйзиободлик кўп болали онахон Ҳамид Бозорбоева. — Фарзандларимизнинг билим олишлари учун яратилган шароитлар-чи. Узимнинг орзуларим болаларим ва набираларим тисмолида ушамлоқда. Бу — Истиклолим шарофати, ўргилмай».

Ҳамшаҳримиз Хуррият Содированинг гапларининг айрим тартиббузар транспорт ходимларининг эътиборига ҳавола қилмоқчимиз: «Транспортда хизмат нархлари ортиб борапти-ю лекин хизмат маданияти ўзгармай қоляпти-да. Айниқса, шахримиздаги 22, 102, 55, 106, 7, 61, 6, 11- ва бошқа автобусларнинг чипта сотувчилари фақат олдинги эшикнинг олдида туриб, пул йиғиш билан овора. Ҳатто одам сийрақлашиб қоладиган охириги бекатларга етгунча ҳам чипта сотилмайди. Ёш чиптачи йиғитлар фақатгина пул тўлаб, шу билан бирга чиқиб-тушаётган йўловчиларга ҳалақат бериш билан овора. Айниқса, баъзи бир ҳайдовчиларнинг «Ҳоҳласам орқа эшикни очаман, хоҳласам йўқ» деб безарийб йўловчиларга дўқ уриши асабга тегмоқда. Тўғриси айтсам, чипта сотувчи йиғитларга автосаройларда муомала маданиятини ҳам ўргатиш лозим».

«Коронга кўчаларимизда қачон электр нури порлар экан, — дейди Госпиталь даҳаси 7 «а» уйда яшовчи 36 хонадон аҳли номидан кўнгулроқ қилган Фаҳриддин Миноров. — Болаларимиз ва аёлларимиз қоронгида туртиниб-суртиниб юришдан қарчади». Со бир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/2 даҳасида яшовчи Шоиства Зарипованинг куйиниб гапириси ҳеч кимни бефарқ қолдирмас керак: «Ўйимиз олдида махсус ахлатхона қурилганда қувонган эдик. Лекин энди ҳафсаламиз пир бўлди. Чунки у ерда ўтирган одам ҳали у, ҳали бу баҳоналар билан одам тўқишга рўхсат этмайди. Шу боис бўлса керак, ахлатхонанинг атрофига ке-чаю кундуз ахлат ташланавериб уюлиб ётади. Агар ўз ижобий натижасини бермас, бундай ўзгаришнинг нима фойдаси бор? Бу ҳақда ижара қорхонаси ҳамда ту-

ман ҳокимлигига бир неча бор мурожаатдик, барчаси жавобсиз қолмоқда», — дейди у.

Тўғри, баъзида кимларнингдир айби биле шахримиз аҳолисига қулайликлар ўрнига баъз бир ноқулайликлар туғилиб қолмоқда.

«Жанубий» вокзалдан қатновчи барч йўловчи поездларнинг олиб ташланганлиги жуда кўнчилиқни, жумладан шахримиз меҳмонларини ҳам ранжитмоқда, гўшхадан доимий муҳлисими Абдунаби Ориповнинг қуночқач овози келди.

— Шу билан бирга бу вокзалнинг қривоси аҳоли эса санитария ҳолатини ёмонлашувига сабаб бўлмоқда».

Юқориди гаплар, албатта, мутасадди тақилотларнинг қуллогига етишига, чора-тадбирлар қўрилишига умид қиламиз.

«Корнига эмас, қадримга йиғлайман деган гапнинг маъносини энди қуқур анладим, — Тошкент архитектура-қурилиш институтини етакчи мутасадиси Тўхтаюн Аҳмедовнинг гапнинг овози фақат бизни эмас, газе хонларимизни ҳам бефарқ қолдирмаслиги, шў ҳасис. — Жуда кўп йиллардан бўён шу қдрдон жамоамда меҳнат қиламан. Леки айнан Аёллар йилида менга кўрсатилган «гамхўрлик» қалбимни қаттиқ ларзага соди. Буни шикоят деб ўйламанг. Кўплари ибрат бўлсин дейман-да. Иссиқ жон, к сал бўлиб қолдим. Тузалиб ишга келг билдимки, менга ҳеч нарсадан, ҳеч нар йўқ «Ўз вазифасини тўла бажармаганили учун» деган хайфсан берилибди. Ахир, к саллик варақам қўлимда-ку. Бундан авалги ишларимни виждонан бажарганмаи ку... Шу тўғрими?» Бу саволга институт ра барлари бир нима дейишар...

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Умумий овқатланиш қорхоналарининг хурматли ёш вакиллари!

НУСУЪЛИ СОВРИНЛАР ВА МУКОФОТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН ШОШИЛИҒИ

Ўзбекистон Мустақиллиқни қўлга киритгандан бўён илк бор шу йил октябрь ойида юқори тоифали энг яхши профессионал ошхона ходимлари - ошпазлар, қандолатчилар, официантлар унвони учун ҳамда энг яхши «Тематик зиёфат столи» учун ҳар йилги танлов байрами ўтказилди.

Танловда совринлар ва қимматбахо совғалар таъсис этилган. Улар орасида енгил автомобиль, Европа ва Осиё мамлақатларида ўтказиладиган кўрғазма-байрамларда қатнашиш учун хорижга йўлланмалар бор.

Танловда қатнашиш шартлари

-ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЁШИ 32дан ОШМАСЛИГИ КЕРАК;

Ошпазлар:
- танлов кунни 4 хил таомнинг ҳар биридан 25 бўлақдан/салат, 1,2-таом ҳамда ширинлик, шў жумладан муаллифлик фирма таомини/ тайёрлашлари шарт.

Қандолатчилар:
- 2 кг.дан 3 кг.гача вазнда бир хил торт, 1кг.печенье, 25 донадан икки турдаги пироженов ва бир хил миллий пиширик тайёрлашлари керак.

Официантлар:
- махсус тематик столи жойлаштириш ҳамда уни безашнинг замонавий дизайни ҳамда тематикага мувофиқ таомлар руйхатини тузишлари;
- юксак савияда хизмат кўрсатишлари шарт.

Қизиққан шахслар ва жамоалардан танловда қатнашиш учун аризалар. Ташкилий қўмита томонидан Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, 2-қават, 20-хонада 1999 йил 10 сентябргача соат 9.00дан 18.00гача қабул қилинади. Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳалари департаменти. **Тел. 133-21-68.**

Зангиота тумани Иссиқ сув кўчасида жойлашган халқаро халқ табобати уюшмаси халқ табобати йўли билан бир неча турдаги касалликларни даволаб келмоқда. Теъдда соғайиб кетай десангиз уюшмамизга марҳамат!

КТУТ (Оқо) бўйича 16409317 рақам билан руйхатга олинган «INTERTECHNOLOGY» давлат унитар қорхонаси-ташки иктисодий ва илмий-техник маркази Тугатилди.

Даво ва эътирозлар бир ой мўддат ичида қабул қилинади.

Қабул манзилимиз: 137-26-13 телефон рақами орқали.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бшкармаси рақбарияти ва жамоаси пт-руль-пост хизмати бригадаси ходима-ри

милиция старшинаси Ботиржон Ҳолматовни РИЗАЕИ ва милиция сержанти Олим Набиевни МУХАММЕДОВЛАРИНИГ бевақт вафот этишганини муносабати илан уларнинг оила аъзолари ва яннларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўроғ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.